

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш азорлиги
Тошкент фармацевтика институти

Қулёзма ҳуқуқида
УДК _____

Пардаева Мафтуна Илхомовна

“Бухоро вилояти Дори-Дармон” МЧЖ дорихоналари
фаолиятининг иктисодий таҳлили

5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил ва бошқариш

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган диссертатция

Илмий раҳбар: фармацевтика
фанлари номзоди доцент
Умарова Ш.З.

Тошкент 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Факультет: Фармация
Кафедра: Фармацевтика ишيني
ташқил қилиш
Ўқув йили: 2016-2018 йил

Магистратура талабаси: М.И.Пардаева
Илмий раҳбар: доц. Ш.З.Умарова
Мутахассислиги: Фармацевтика ишيني
ташқил қилиш ва бошқариш

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган барча фирма ва корхоналар хўжалик фаолиятини уларни бошқарувчиларга ёққол кўрсатиб беришдан, камчиликларни очиб ташлашдан, ички имкониятларни (резервларни) ишга соладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бу жараёнда таҳлил қилинаётган объектнинг молиявий барқарорлигига, унинг рақобатбардошлигига, молиявий ва иқтисодий потенциалидан қандай фойдаланаётганлигига ҳам объектив баҳо берилади.

Иқтисодий таҳлил натижалари дорихонанинг фаолиятини самарадорлигини оширишга асос бўлади, яъни, уни рентабеллигини оширишга қаратилган чора тадбирлар ишлаб чиқилади, асосий воситалардан оқилона фойдаланиш, меҳнат ва моддий бойликлардан ҳамда, молия ресурсларидан тўғри фойдаланиш имкониятни яратади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Дорихона муассасаси хўжалик молиявий - фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва натижалари асосида, рентабелликни оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Изланиш объекти бўлиб, “Бухоро вилояти Дори-Дармон” МЧЖ нинг ҳисобот ҳужжатлари ва статистик маълумотлар хизмат қилади. Изланиш предмети эса, “Бухоро вилояти Дори-Дармон” МЧЖ нинг рентабеллигини ошириш мақсадида, хўжалик – молиявий ва иқтисодий фаолиятини ўрганишдан иборат бўлади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Иқтисодий таҳлил усуллари: солиштириш, аналитик қайта ишлаш, нарх индекси, коэффициентлар ва бошқалар.

Тадқиқот натижаларининг илмий жihatдан янгилик даражаси. “Бухоро вилояти Дори-Дармон” МЧЖнинг фаолияти бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий қонуниятларга таянган ҳолда, ҳамда, рақобат бозорида аҳолини арзон ва безарар дори воситалар билан таъминлашга қаратилган фаолияти тўлиқ комплекс таҳлил қилинади.

Иш тузилиши ва таркиби. Иш кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертацияда 12 та таҳлилий жадваллар келтирилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Бажарилган иш бўйича 1 та мақола ва 2та илмий тезис чоп этилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. “Бухоро вилояти Дори-Дармон” МЧЖнинг молиявий натижаларини яхшилаш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва татбиқ этиш учун тақдим этилди.

Илмий раҳбар
Магистратура талабаси

доц.Умарова Ш.З.
Пардаева М.И.

**MINISTRY OF HEALTH
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

Faculty: Pharmacy
Department: Organization of
pharmaceutical business
Academic year: 2015-2016

Resident of MA course: M.I.Pardaeva
Scientific adviser: assistant professor
Sh.Z.Umarova
Speciality: Organization of pharmaceutical
business and management

ABSTRACT OF THE MASTER'S DISSERTATION

Relevance of the topic. The purpose of economic analysis is to highlight the economic activities of all enterprises and firms, their managers, eliminate shortcomings, and develop measures to use the internal opportunities (reserves). This process also provides an objective assessment of the financial stability of the analyzed object, and how financial and economic resources are used.

The results of economic analysis are the basis for increasing the efficiency of the pharmacy, that is, measures are being developed to improve its profitability, create the possibility of rational use of fixed assets, labor and material assets, and financial resources.

Purpose and objectives of the work. Analysis of the economic and financial activities of the pharmacy, determining the effectiveness of the use of labor and financial resources and develop recommendations for improving profitability based on the analysis.

Object and subject of research. The reporting documents and statistical data of Dori-Darmon JSC of Bukhara region serve as an object of research. And the subject of the study is the study of financial and economic activities of Dori-Darmon JSC of the Bukhara region in order to increase its profitability.

Methodology and methods of research. Methods of economic analysis: comparison, analytical processing, price index, coefficients and others.

The degree of scientific novelty of the research results. The full analysis of the activities of Dori-Darmon JSC, Bukhara region, based on economic laws in a market economy, as well as activities aimed at providing the population with cheap and safe drugs in a competitive market has been conducted.

Structure and composition of work. The work consists of introduction, 3 chapters, conclusion, a list of references and appendix. In the thesis 12 analytical tables are presented.

Main results of the work performed. According to the performed work 2 articles and 2 scientific theses have been published.

A shortened generalized expression of conclusion and suggestions. The plan of measures was developed to improve the financial results of JSC "Dori-Darmon" of the Bukhara region and is submitted for discussion.

Scientific adviser

assistant professor Umarova Sh.Z.

Resident of MA course

Pardaeva M.I.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6-9
1. БОБ. ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш борасида қабул қилинган Хукумат қарорлари.....	10-20
2. Фармацевтика иқтисодиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	21-27
3. Иқтисодий таҳлил усуллари. Дорихона фаолиятида иқтисодий таҳлил ўтказиш этаплари.....	27-35
4. 1 бобга хулоса	35-36
2. БОБ. БУХОРО “ДОРИ-ДАРМОН” МЧЖ КОРХОНАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ	
1. Бухоро “Дори-дармон” МЧЖ корхонаси тўғрисида маълумот.....	36-40
2. Бухоро “Дори-дармон” МЧЖ савдо ҳажмининг таҳлили.....	40-42
3. Бухоро “Дори-дармон” МЧЖ заҳиралар билан таъминланганлик ҳолатининг таҳлили.....	43-44

	4. Муомала ҳаражатларининг таҳлили.....	44-46
	5. Соф фойда таҳлили.....	47-50
	6. Бухоро “Дори-дармон”МЧЖ корхонаси асосий воситаларининг таҳлили.....	50-52
	7. Бухоро “Дори-дармон”МЧЖ корхонасида асосий воситаларининг техник ҳолатининг таҳлили.....	52-53
	8. Асосий воситаларининг ишлатилиш самарадорлигининг таҳлили.....	53-56
	9. Молиявий ҳолат таҳлили.....	56-64
	10. 2 бобга ҳулоса.....	64-65
	3.БОБ. БУХОРО “ДОРИ-ДАРМОН” МЧЖ КОРХОНАСИНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
	1. Бухоро “Дори-дармон”МЧЖ корхонаси фаолиятининг иқтисодий таҳлил натижалари.....	66-68

2. Иқтисодий курсаткичларни такомиллаштириш йўллари.....	68-70
3. Тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш ва уни такомиллаштириш йўллари	71-72
4. Рентабелликни баҳолаш ва уни такомиллаштириш йўллари	73-75
5. 3 бобга ҳулоса.....	75
ҲУЛОСА.....	76
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	
ИЛОВЛАР.....	

КИРИШ

Диссертация мавзуининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори

воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар мазкур соҳада маҳаллий фармацевтика тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим тизимли камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунга қадар фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмаган. Оқибатда бугунги кунда тармоқдаги маҳаллий корхоналар юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш имконига эга эмас. Ўз навбатида дорихона тизими бўйича фикр юритсак, дорихона, мулкчилик туридан қатъий назар Соғлиқни сақлаш муассаси бўлиб, унинг асосий вазифаси аҳолини ва даволаш профилактика муассасаларини безарар, юқори самарали дори восита ва тиббий буюмлар билан таъминлашдир. Дорихона микроиқтисодиёт субъекти бўлиб, унинг иқтисодий фаолиятини белгиловчи ўзига хос хусусиятларга эга.

Дорихона иқтисодиётини белгиловчи асосий хусусияти шундаки, унинг фаолиятида тиббий, ишлаб чиқариш, маркетинг, ахборот ва савдо функциялари мужассамлашгандир.

Шунингдек, дори воситалар алоҳида тиббий товар бўлиб, унинг сифатига, сақлаш шароитига белгиланган талаблар мавжуд. Бундан ташқари, дорихона ходимлари бепул биринчи тиббий ёрдамни амалга оширишлари белгиланган. Буларнинг барчаси қўшимча ҳаражатларни талаб қилади, ўз навбатида дори воситаларнинг деярли ярми рецепт асосида сотилади, бу эса савдода айрбошлаш ҳажмини сусайтиради.

Юқорида келтирилган ҳолатлар дорихонада тиббий функцияни амалга оширилиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари дорихона муассасаларида ишлаб чиқариш функциялари билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар мавжуд. Яъни, якка тартибда ва кичик серияда олдиндан тайёрлаб қўйиладиган дори воситаларини тайёрлаш учун хом-ашё заҳарларини тайёрлаш, дори воситаларини тайёрлаш хоналарига қўйиладиган алоҳида талаблар, дори воситаларини тайёрлаш учун меҳнат ҳақи қўшимча электроэнергия каби ҳаражатлар дорихонада товар айрбошлаш жараёнини секинлаштиради ва муомала ҳаражатларини оширади.

Шундай экан, аҳолини ва даволаш профилактика муассасаларини узлуксиз дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминлашда иқтисодий таҳлил алоҳида ўрин тутди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Изланиш объекти бўлиб, Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖ дорихона муассасаларининг ҳисобот хужжатлари, бухгалтерия баланси, молиявий ва статистика ҳисоботлари хизмат қилди.

Иқтисодий таҳлил предмети бу- бизнес режаларнинг топшириқларига мос келишини ўрганиш нуқтаи назаридан ва ташкилот фаолиятини яхшилаш учун ишлатилмаган ресурсларни аниқлаб олиш мақсадида ташкилотларнинг мол-мулк ва молиявий ҳолати ва дастлабки хўжалик фаолиятидир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу ишнинг мақсади бу дорихона муассаси молиявий хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлилини ўтказиб, унинг натижалари бўйича дорихона муассасаси ишининг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш учун ички резервларни аниқлаш.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечиш лозим бўлди:

- фармацевтика соҳасига оид ҳукумат қарорларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- дорихоналар иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлилига оид адабиётларни ўрганиш;

- Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖнинг 2015-2017 йиллардаги ҳисобот ҳужжатларини таҳлил қилиш;

- таҳлил натижалари бўйича Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖ фаолиятининг самарадорлиги ва рентабеллигини яхшилаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Тадқиқотимизнинг илмий янгилиги Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖнинг фаолияти биринчи бор комплекс таҳлил қилинганлигидадир. Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖнинг иқтисодий таҳлили иқтисодий қонунлар асосида олиб борилди, бозор иқтисодиёти шароитларида ва рақобатбардош муҳитда иқтисодий таҳлилнинг ёндашувлари ва энг янги усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот дорихона фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган бўлиб, узлуксиз равишда аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббий техника билан таъминлашда бир томондан арзон ва самарадор дори воситаларини етказиш бўлса, иккинчи томондан дорихона фаолиятини хўжалик ҳисобида олиб борилиши, яъни барча ҳаражатларни қоплаш ва даромад олишга қаратилган фаолиятни бошқаришдан иборатдир.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Диссертацияни биринчи бобида фармацевтика соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар бўйича маълумотлар келтирилди. Дорихоналар фаолиятида иқтисодий таҳлилга бағишланган мақолалар шарҳи келтирилди. Бунда асосан дорихона фаолиятидаги савдо молия кўрсаткичлари, уларни таҳлил усуллари, таҳлил услубияти келтирилди. Шунингдек, дорихона фаолиятини иқтисодий таҳлилига бағишланган ўқув услубий адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил усулларида кенг фойдаланилди. Хусусан, таққослаш, кетма-кет ўрнига қўйиш, баланс боғлиқлиги, график усул, корреляцион регрессия каби махсус усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, нарх индекси, инвентаризация маълумотлари, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, бухгалтерия баланси ва қатор илмий ва ўқув услубий қўлланмалардан фойдаланган ҳолда тадқиқот олиб борилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган иқтисодий таҳлил натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиянома дорихона муассасига муваффақиятли савдо фаолиятини олиб боришга, шунингдек, аҳолига ва даволаш профилактика муассасаларига муҳим дори воситаларини ва тиббий буюмларни етказиб бериш имконини беради.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация ишибетдан иборат бўлиб, компьютер матнида терилган. У кириш адабиётлар шарҳи, тажриба қисми, олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси, ҳулоса, адабиётлар райхати ва иловалардан ташкил топган. Фойдаланилган адабиётлар сониманбадан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми 2000 йилдан сўнг чоп этилган.

Илмий иш натижасида 1 та мақола ва 2 та тезис чоп этилган. Диссертация мавзуси бўйича “Фармацияда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари” Республика илмий-амалий анжумани материалларида чоп этилиб, маъруза қилинган.

1.БОБ. ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ

РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Фармацевтика тармоғини ривожлантириш борасида қабул қилинган Хукумат қарорлари

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида фармацевтика соҳасида иқтисодий ўсиш жадал равишда кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” маърузасида таъкидланганидек: Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва касалликлар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди.[2]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан “Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир” учрашувдаги маърузасида таъкидланганидек: “Тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.[1]

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош бошқармалари, тегишли илмий текшириш институтлари фаолият кўрсатмоқдалар, тиббиёт ва фармацевт кадрлар тайёрлаш ишлари эса, тегишли институтлар ва тиббиёт

коллежлари томонидан амалга оширилмоқда.

Малакали тиббий хизматни махсус тиббий ва фармацевтика билимларига эга, Гиппократ қасамёдини қабул қилган ва ёрдамга муҳтож, ҳар қандай беморга сидқидилдан хизмат қиладиган тиббиёт мутахассислари амалга оширадилар. Қонунчилик асосида етарли малакага эга бўлмаган мутахассисларнинг тиббий ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига руҳсат этилмайди.

Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини олиб боровчи субъектлар мавжуд стандартлар талабларига жавоб бермаса, фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи руҳсатномадан, лицензиядан суд ҳукми асосида маҳрум қилинади.[3]

Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиаллари орқали сотиб олинishi ва туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини таъминлаш марказлаштирилиши, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бундан мустасноли кўрсатилган.[1]

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги 27 ва 103-сонли қарори (рўйхат рақами 2522, 2013 йил 13 ноябрь) билан тасдиқланган “Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2015 йил 28 апрелдаги 26 ва 34-сонли қарорига иловада “Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш” Қонунига биноан даволаш-профилактик муассасаларида аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш кафолатланади.

Тиббий ёки бошқа хизматлар давлат томонидан кафолатланган кўламдан ошса, аҳоли ушбу хизматлар учун тўловни амалга оширадilar.[8]

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг «Дори воситалари. Тиббий буюмлар. Тиббий техника» тўғрисидаги 3-боби, «Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари»нинг 10-моддасида таъкидланганидек: *«Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари хавфсизлик ва самарадорликни аниқлаш мақсадида уларнинг фармакологик хоссаларини, нозўя таъсирлари ва бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири самараси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш учун ўтказилади».*

Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласини ташкил этишда намуна бўлишга арзигулик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу тадбирлар тегишли экспертлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда.

Дори воситалари муомаласи соҳасидаги ижобий натижалар йилдан йилга аҳолининг дори таъминотига бюджет ҳисобидан ажратилган маблағлар ортиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли даволаш-профилактика муассасаларига 2010 йил якуни бўйича бюджетдан 1704,1 млрд. сўм ажратилган бўлиб, 2009 йилга нисбатан 455,4 млрд. сўмга ёки 36,5 фоизга ўсган. Бунда IV гуруҳ харажатлари яъни дори воситаларига ва бошқа маҳсулотларга харажатлар 237,3 млрд. сўм, ёки ўтган йилга нисбатан 8,8 фоизга кўп маблағ 19,3 млрд сўм ажратилган.

Маълумки, ҳар қандай тоифа беморларни дори воситалари билан

таъминлаш, касалланиш динамикасига ва ажратилган ўринлар сони, ўринларнинг банд бўлган кунлари сонига бевосита боғлиқдир. Чунки ўринлар сонига қараб давлат бюджети томонидан маблағ ажратилади.[7]

2013 йил 22 июль 204-сон «Шахсларнинг айрим тоифалариини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштири чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тасдиқланган ва эълон қилинган. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида» ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек айрим тоифадаги шахсларни имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилган.

Фармацевтика бозорида улгуржи ташкилотларда турли ишлаб чиқарувчиларнинг бир хил дори воситаларига нархлари тақсимооти 97,0% га етди, шунинг учун дори воситалари муомаласи барча субъектларининг асосий вазифаси нархлар даражаси назоратини таъминлашдан иборат. Бундай механизмлардан бири дори воситаларини танлов асосида сотиб олишни ташкил этиш ҳисобланади. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга буюртмаларни танлов асосида жойлаштириш барча даражадаги бюджет маблағларини маълум тарзда асосий тежаш манбаи бўлади.

Дори воситалари нархи ретроспектив таҳлил қилинганда, сўнгги 5 йил давомида сил касаллигига қарши дори воситаларининг ўртача нархи 5 марта ошди, бунда ассигнация эса фақат 1,2 баробар ортди.

Нарх ва нарх сифати стратегияси нарх, сифат бугунги кун истеъмолчилари назарида компанияни ажратиб турадиган асосий омилдир.

Нархлар ва ассортимент сиёсати бирлашувида умумий ассортимент нарх сиёсатининг роли, бошқарувчи органларнинг молиявий-ҳуқуқий механизми, хизмат кўрсатувчи компаниялар транспорт хизматининг

ривожланиши ҳамда ҳудудлар бўйича тармоқларнинг барча омиллари ассортимент ва нарх сиёсатининг ичида бўлиб, нархлар стратегияси, хизмат кўрсатиш ва умумий рентабелликнинг шаклланиши, бозорда ўз мавқеига эга бўлишда асосий ўрин тутди.

Фармацевтика бозоридаги дори воситаларининг чакана нархларига кўра, Ўзбекистонда сотиладиган дори воситаларининг ўртача нархда сотилиш ҳажмида 1-ўринни 3 долларга баҳоланган дори воситалари эгаллаб, улар 75–80% ни ташкил этади. 2-ўринда истеъмол қилинадиган арзон дори воситалари Молдавия давлати ишлаб чиқарувчиларига тўғри келган бўлиб 53%, энг қиммат дори воситаси эса Арманистон давлатида истеъмол қилиниши аниқланган.

Ўзбекистон шароитида маҳаллий фармацевтика корхоналарида дори воситаларининг нархлари шаклланишида ишлаб чиқариш жараёнидаги сарф-харажат кўрсаткичлари ўрганилиб, маҳаллий ва хориждан келтирилган дори воситаларининг нархлари таҳлил қилинганда бир хил дори шакли ва дозага эга бўлган баъзи дори воситаларининг нархи ўртасидаги тафовут 1,1–5,0 баробаргача фарқ қилиши аниқланган.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан фойдаланилса, валюта сарф-харажатларининг қисқаришига олиб келади. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулотларни қайта ишлаб, бирламчи хомашёдан охиригача бўлган жараён импорт учун кетадиган валюта сарф-харажатларини 40% гача қисқаришига олиб келади.

Дорихоналарда дори воситаларининг нархи ўзгариши бир тартибда эмаслиги ва ушбу ҳолатни етказиб берувчиларда ҳам кўриш мумкин. Иқтисодий инқироз натижасида дори воситалари истеъмолининг қисқариши Россия Федерациясининг фармацевтика бозорида ўз аксини топди ва охир-оқибат нарх-наво пасайди. [9]

Аҳолини дори-дармон воситаари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Мазкур Қарорга ЎзР Президентининг 20.12.2016 й. ПҚ-2685-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очиқ-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида:

1. Улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилган.

2. Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш учун Республика комиссияси 2-иловага** мувофиқ таркибда ташкил этилган.

3. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом 3-иловага** мувофиқ;

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш вазифаси юкланган

5. Давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги барча тиббиёт муассасалари рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган тартибда Республика комиссияси томонидан белгиланган улгуржи нархлардан ошмайдиган нархда сотиб олинади.

6. Ўз расмий веб-сайти, шунингдек, дорихоналар расмий веб-сайтларида рўйхатга киритилган барча дори-дармон воситалари бўйича белгиланган нархлар тўғрисида мунтазам янгиланадиган ахборот эълон қилиниши таъминланган.

7. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар уларнинг нархини давлат томонидан белгиланган тартибга риоя этишини тизимли асосда назорат қилиш вазифаси юкланган.

8. Тайёр дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини, шунингдек, уларни мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш учун хомашёни четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олинган.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Бош вазир ўринбосари А. Икромов зиммасига юкланган.[9]

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида 15.02.2018 й., 07/18/3532/0702-сон

Охирги бир ярим йил давомида фармацевтика тармоғини ривожлантириш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг арзонлиги ва эркин муомаласини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг

фармацевтика тармоғини ривожлантириш соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилган.

2. Ҳар бир эркин иқтисодий зонага Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорлари бириктирилиб, уларнинг мазкур соҳадаги асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган.

3. Республикада яратиладиган ва ишлаб чиқариладиган устувор дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлаш бўйича ишчи комиссия 5-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилган.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлаш учун республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанциялар рўйхатини тақдим этган.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритган.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси К.М. Рафиқов зиммасига юкланган.

7. Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни импорт қилишда қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзни қўллаш механизмини соддалаштириш юзасидан таклифлар киритсин, бунда тасдиқланган рўйхат асосида имтиёз қўллаш тартиби истисно қилиниб, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш учун олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқариладиган хом

ашё ва субстанцияларга қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмаслиги назарда тутилган. [10]

Фукароларни арзон нархларда зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек уларнинг нархларини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан улгуржи савдо учун – сотиб олинган қийматнинг 15 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, чакана савдода эса – улгуржи нархнинг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари белгиланди.

Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотишнинг тизими жорий этилди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Шу билан бирга, аҳолини зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳволига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар кузатилмоқда, жумладан: амалдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишдаги ортиқча тартиб-таомиллар уларни етказиб бериш муддатларининг сунъий кечиктирилиши ва ички бозордаги тақчиллиги юзага келишига олиб келмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни белгилаш бўйича аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслиги импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни прогноз қилиш имконини бермаяпти; импорт қилинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган нархларни белгилаш тартибининг мукаммал эмаслиги кузатилмоқда;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етарли даражада маҳаллийлаштирилмаганлиги маҳаллий фармацевтика корхоналарининг импорт хомашёси ва материалларига юқори даражада қарамлигини юзага келтирмоқда, оқибатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархлари кескин ошмоқда; дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларининг фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган, бу лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарорда аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг тақчиллиги вужудга келишига йўл қўймасликка қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан ушбу қарорга мувофиқ 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш фақатгина “Ўзмедэкспорт” республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Ушбу корхонага ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини жорий йилнинг иккинчи ярмида қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини

таъминлаш

топширилди.

Бундан ташқари, тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаш сифатини янада ошириш мақсадида ушбу фаолиятнинг фақатгина давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича янгидан жорий этилган талабларга асосан уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бўйича амалдаги лицензиялари 2018 йил 1 январга қадар қайта расмийлаштирилиши шартлиги белгиланди. Бунда қайта расмийлаштириш янги лицензияловчи орган – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу мақсадларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини қайта кўриб чиқиш, натижаси бўйича уни мақбуллаштириш юзасидан тақлифларкиритиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситаларининг савдо номлари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлиф киритиш;

дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича

асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш вазифалари юклатилди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Умуман олганда, қабул қилинган қарор фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолини арзон нархларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш имконини беради.[16]

1.2 Дорихона иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонунга асосан дорихона - дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек, даволаш, ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларни харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасасидир. Дорихоналар ишини башқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади. Дорихоналар иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Бу ҳужжат 1992 йилда Ҳалқаро Фармацевтлар Федерацияси томонидан тайёрланган ва 1993 йилда Токиодаги конгрессда тасдиқланиб,

барча мамлакатларга тавсия этилган дорихона хизматлари сифат стандартлари, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ассамблеясининг 47-сессияси қабул қилинган “Дорихона хизматининг сифат стандартлари такомиллашган дорихона амалиёти” (GPP) нинг асосий ғоялари баён этилган. Унда фармацевт, бемор ва шифокорнинг ҳамжихат ишлашини таъминлаш, фармацевтнинг бемор олдидаги масъулиятини кучайтириш, дорининг ижобий ва салбий таъсирини доимий равишда таҳлил қилиб бориш кўрсатиб ўтилган.[16]

Бунинг учун дорихоналарда етарли даражада шарт-шароитлар мавжуд бўлиши ва дорихона ходимларининг юқори малакалари, кўникмалари ва билимлари бўлиши зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида дорихоналар савдога ижобий ва салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив таъсир этувчи омиллар мавжудлиги билан бошқа савдо ташкилотларидан кескин фарқ қилади.

Дорихона иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

- дорихона фақат савдо муассасаси бўлмасдан аввало тиббиёт муассасасидир;
- дори воситаларининг асосий қисмини шифокор кўрсатмаси, яъни рецептга асосан сотилишига бўлган талабнинг мавжудлиги;
- шифокор рецепти билан сотиладиган дори воситаларини ҳаридорлар ўзига-ўзи хизмат қиладиган бўлимларда, автоматлар орқали ва дорихона муассасаларидан ташқарида сотиш тақиқланиши;
- рецепт билан сотиладиган дориларни аҳолига реклама қилиш мумкин эмаслиги;
- айрим дори воситаларини мавсумий ҳарактерга эга эканлиги;
- айрим дори воситалари, масалан, наркотик ва вакцина, зардобларни зарур захираларини сақлаш мажбурийлиги;
- дорихоналарнинг кенг миқдорда дори воситалари турларини ва шакллари сақлаш сиёсатини амалга оширишга мажбурлиги;

- шифокорларнинг тўлиқ танишишга ёки ўз амалиётига киритишга улгурмаган янги дори воситаларининг мавжудлиги;
- эҳтиёжни нотўғри аниқлаш натижасида ортиқча миқдордаги дори воситаларининг дорихоналарда йиғилиб қолиши;
- иқтисодий таҳлилсиз эҳтиёжи йўқ бир қатор дорихоналарнинг ёнма-ён очилиши;
- имтиёзли рецептларга асосан берилган дори воситалари учун тиббий муассасаларни ўз вақтида ва тўлиқ маблағларни ўтказиб бермасликлари;
- дорихона муассасаларида махсус олий ва ўрта фармацевтик маълумотли шахслар эгаллаши мумкин бўлган лавозимларда, белгиланган тартибда фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи аттестациядан ўтиш ва сертификатли мутахассислар ишлаши мумкинлиги;

Дорихона муассасаларини бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга ўтиши, фармацевтика хизматини ташкил қилиш муаммоларини ҳам вужудга келтирди.

Булар дорихона ходимлари рўйхати (штати)ни нисбатан қисқартирилиши, бунда бир ходим бир неча касб ва мутахассисликни эгаллаб, турли хилдаги ишларни бажариши, ходимлар иш вақтидан оқилона фойдаланиб, камроқ ишчи кучи билан кўпроқ иш бажариши, уларнинг бир-бирини алмаштира олишини таъминлаш каби талабларни бажариш дорихона иқтисодиётининг бир туркум талабидир.[13]

Дорихоналар ҳозирги кунда фаолият кўрсатиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ва чакана савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун эса ҳокимиятлар савдо департаментларидан лицензия, махсус рухсатномалар олишлари зарур, бунда маълум миқдорда тўловлар тўлашга мажбурдирлар. Бундан ташқари дорихоналар мустақил юридик шахс сифатида ўз ёки ижарага олинган биносига ҳамда доришунослик хизматини ташкил қилиш учун зарур бўлган асосий ва ёрдамчи воситаларга (савдо пештахтаси, музлатгич, касса аппарати ва ҳоказоларга) эга бўлиши шарт.[30]

Дори воситаларини сотишда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасида белгиланган қуйидаги қоидаларга риоя қилиниши шарт:

- дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилиши;
- дорихоналар иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилиши;
- барча дорихона муассасалари санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб бериши;
- Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг қалбақиси ёки ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситаларини реализация қилиш таъқиқланади;
- муддати ўтган дори воситаларини сотиш ва улардан фойдаланиш таъқиқланади;
- дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади.

Эгалик қилиш ва бошқариш бошқа тушунча эканлигига қарамай, айрим дорихона эгалари қонунни бузган ҳолда олий фармацевтика маълумотига эга бўлган мутахасис бўлмасалар ҳам дорихонани бошқармоқдалар, аслида эса улар дорихона ишини бошқариш учун олий фармацевтика маълумотига эга шахсларни контракт асосида дорихонани бошқаришга ёллашлари шарт.

Дорихоналар мулкчилик туридан қатъий назар бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш учун яна:

- банкларда тегишли, яъни сумлик, эркин муомаладаги валютали ҳисоб рақамларига эга бўлиши;
- банк, инкассация хизматлари, чакана савдо лицензияси, электр энергияси, газ, сув, чиқиндиларни ташиш, дорихонани қўриқлаш учун тегишли шартномалар тузиш ва бошқалар дорихонлар иқтисодиётининг асосий қисмини ташкил этади.

Бундан ташқари, хизматчилар иш ҳақи, солиқлар ва амалдаги ҳар хил мажбурий тўловлар дорихона иқтисодиётини белгиловчи омиллардир.

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги дорихоналарнинг иқтисодий аҳволини амалий таҳлили қуйидагилардан иборат.

Дорихоналар иқтисодиётининг даромад қисмини қуйидагилар ташкил этмоқда:

- савдо устамаси;
- турли хизмат турлари ва тушумлар (ижара, дори воситаларини тайёрлаш учун иш ҳақи);
- турли моддий ёрдамлар (шахсий ва ҳомийларнинг молиявий ёрдами, ҳамда хайриялар).

Дорихона муассасаларининг иқтисодиётининг чиқим-ҳаражат қисмини қуйидагилар ташкил этади:

- ижара ҳаражатлари (бино ижарага олинган бўлса);
- мол-мулк солиғи;
- асосий воситалар эскириши учун ажратмалар;
- ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи. Иш ҳақи амалдаги қонунчиликка асосан энг кичик ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги шарт;
- ягона ижтимоий солиқ – иш ҳақи фондининг – 3 % миқдорида;
- пенсия фондига – иш ҳақи фондининг – 30 % миқдорида;
- давлат ишсизлиги фондига - иш ҳақи фондининг – 0,5% миқдорида;
- туман ижтимоий бўлимига даромаднинг – 0,7 % миқдоридаги мажбурий тўлов;
- чакана савдо рухсатномаси учун ҳар ойда энг кичик ойлик иш ҳақининг 4 баробари миқдорида мажбурий тўлов;
- даромад солиғи – даромаднинг 15% миқдорида;
- банк ва инкассация ҳаражатлари 0,4-2% ва 1% миқдорида пул ўтказиш ва ташиш ҳаражатлари учун;
- телефондан фойдаланиш учун тўлов;

- 069 хизматидан фойдаланиш тўлови;
- газдан фойдаланиш учун тўлов;
- электр энергиясидан фойдаланиш учун тўлов;
- иссиқ сув ва бинони иситиш учун тўлов;
- сувдан фойдаланиш учун тўлов;
- уй-жой ўртоклик ремонт жамиятлари учун тўлов;
- чиқиндини олиб кетиш тўлови (20% табиатни муҳофаза қилиш фондига ва 80% маҳаллий бюджетга);
- тозаланган сув ва бактериологик лаборатория анализи харажатлари;
- жарима тўловлари;
- ҳар хил харажатлар: инкасса бланкалари - ипи пломбаси; канцелярия моллари; ҳисоб-китоб қоғозлари; тўлов кирим-чиқим қоғозлари; касса лентаси; нарх-наво кўрсаткичи; дори тайёрлаш қоғозлари, ёрлиқлари ва бошқалар.[56]

Ҳозирги кунда, асосий дори воситалари ва тиббий буюмлар турини, 80 фоиздан ортиғини хориждан импорт қилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, эркин муомаладаги валютага сотиб олинган дори воситаларига савдо устамасининг улгуржи ва чакана савдо жараёнида иштирок этувчилар сонидан қатъий назар жами 20% дан ошириш мумкин эмаслиги, бир неча дорихоналарнинг ёнма-ён жойлашиб фаолият кўрсатиши дорихоналарнинг иқтисодий аҳволини ёмонлашувига, шунингдек маълум салбий ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Республикамизда бундан кейин дорихона муассасаларининг иқтисодиётини яхшилаш, бозор муносабатлари шароитида доришунослик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимлари билан шартномавий ишлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва дори воситаларини қўллаш, сотиш маданияти, фармацевт кадрларни малакасини ошириш, бозор муносабатларини тезроқ ҳаётга тадбиқ этиш ва бошқа масалалар бўйича яқин келажак учун илмий асосланган, ҳалқ манфаатларига жавоб берувчи дастурлар ишлаб чиқиб, ҳукуматга таклиф

этувчи барча назариётчиларни, амалиётчиларни ва ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирувчи нодавлат, нотижорат ташкилот бўлган “Доришунослар уюшмаси”ни тузиш замон талабидир.

Ушбу “Доришунослар уюшмаси” дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сотиш ва тегишли мутахассислар тайёрлаш, қайта ўқитиш, бозор иқтисодиёти қонуниятларини соҳага тадбиқ этиш бўйича мавжуд муаммолар ечими бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига ва Олий Мажлисга киритиши лозим.[16]

1.3 Иқтисодий таҳлил усуллари. Дорихона фаолиятида иқтисодий таҳлил ўтказиш этаплари

Иқтисодий таҳлил - бу тиббиёт муассасасининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш усуллари йиғиндисидир шубилан бир муассаса фаолиятининг самарадорлигани ошириш мақсадида унинг хўжалик фаолиятини комплекс ўрганиш бўйича фаолият.

Иқтисодий таҳлилнинг методи – корхонадаги хўжалик жараёнлари ва бошқа фаолият турларининг юзага келиши, ўзгариши ҳамда ривожланишини диалектик ёндашув усулида ўрганишдир. Ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида корхонанинг хўжалик ҳамда бошқа фаолият турларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши сабабларини тадқиқ қилиш, уларнинг ўзаро боғлиқликларини аниқлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш иқтисодий таҳлил фани методининг ўзига хос жиҳатларидир.

Методининг мазмунига кўра таҳлил воситасида хўжалик жараёнлари ва бошқа фаолият турларини ўрганишда диалектик ёндашув, яъни ҳар бир воқелик мавжуд ва ривожланишда, деб қаралади. Бу воқеликлар сондан сифат ўзгаришига ва янги сифатнинг пайдо бўлиши, инкорни-инкор қилиш,

қарама-қаршилик кураши, эскининг тугаши, янги – илғор воқеликларнинг

пайдо бўлиши каби хусусиятга эга бўлади. Диалектик ёндашув ва унинг барча усуллари хўжалик жараёнларини ўрганишда, таҳлил қилишда корхона фаолиятининг барча босқичларида қўлланилади.

Иқтисодий таҳлил методининг таърифида унинг эътиборли жиҳатлари ҳам кўрсатилган. Жумладан, хўжалик жараёнлари ва иқтисодий воқеаларни таҳлил қилишда жуда кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурлиги. Таҳлил учун керак бўлган кўрсаткичлар, уларнинг тури ҳамда миқдори ўрганилаётган иқтисодий жараённинг мазмуни, ҳажми ва даврига боғлиқ бўлади. Ҳатто, таҳлил натижасида аввалдан мўлжалланмаган янги кўрсаткичлар ҳам ҳисоблаб топилиши мумкин. Мазкур ҳолат иқтисодий таҳлил методининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади.[27]

Иқтисодий таҳлил қилиш усуллари:

- *Ахборотни қайта ишлашнинг мантикий усуллари;
- *Таққослаш;
- *Нисбий ва ўртача кўрсаткичлар;
- *Молиявий ҳисоблаш;
- *Маълумотларнинг график ва жадвал шаклида берилиши;
- *Гуруҳлаш;
- *Балансли;
- *Евристик метод;

Иқтисодий таҳлилда таққослаш усули

Таққослаш – инсон атроф-муҳитни англай бошлаган усуллардан бири бўлиб, ундан доимо фойдаланилади. Унинг муҳимлиги қуйидаги нақлда ҳам қайд қилинади: «Барча нарса қиёслашда англанади». Бу усул иқтисодий ҳодисалар тадқиқида ҳам кенг тарқалди: баҳолаш учун қўлланиладиган ҳар бир кўрсаткич, ҳар бир рақам, назорат ва прогноз худди шундай бошқалар билан таққослашдагина аҳамиятлидир.

Таққослаш моҳияти – турдош объектлар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқларни аниқлаш мақсадида қиёслашдир. Улар ёрдамида умумий ва хусусий иқтисодий ҳодисаларни таққослаш бажарилади, ўрганилаётган

объектлар даражасида ўзгаришлар, тенденциялар ва уларнинг ривожланиш қонуниятлари, уларнинг ўртасидаги сабаб-оқибат алоқалари ўрнатилади.

Технологик таққослаш бир нечта босқичдан иборат: таққосланадиган объектларни танлаш, таққослаш шаклини танлаш (динамик, маконий), таққослаш базасини танлаш (ўтган давр, ҳисобот давр режаси, эталон корхона), объектларни қиёслаш амалга ошириладиган кўрсаткичлар сонини ҳамда таққослаш шкаласини танлаш.

Иқтисодий таҳлилда қиёсий таҳлилнинг қуйидаги шакллари фарқланади: горизонтал ва вертикал, динамик ва статик, бир ўлчовли ва кўп ўлчовли.

Горизонтал қиёсий таҳлил ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасини базавийдан (режа, ўтган давр, ўртача даража, фан ва илғор тажриба ютуқлари) мутлақ ва нисбий оғишларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Вертикал қиёсий таҳлил ёрдамида иқтисодий ҳодисаларнинг структураси ва жараёнларнинг қисмлари ҳамда умумий солиштирма салмоғини ҳисоблаш йўли билан (ўз капиталининг умумий капиталдаги солиштирма салмоғи), бутун ва қисм нисбатлари (масалан, ўз ва қарз капитали, асосий ва айланма капитал), шунингдек, омилларнинг натижавий кўрсаткичларнинг даражасига таъсирини мутаносиб омилнинг олдинги ва кейинги ўзгаришлари миқдорларига таққослаш йўли билан ўрганилади.

Трендли таҳлил базис йил даражасига нисбатан қатор йиллар учун нисбий ўсиш суръати ва кўрсаткичларнинг ўсишини ўрганишда қўлланилади, яъни кўрсаткичлар динамикасининг асосий тенденциялари тадқиқ қилинади.

Динамик таққослаш ўрганилаётган кўрсаткичларнинг вақтда ўзгаришини ўрганиш учун статик таққослаш – турли хўжалик субъектлари бир давр бўйича кўрсаткичлар даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

Таққослаш мақсади

1. Кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасини режа маълумотлари билан қиёслаш. Режа бажариш даражасининг назорати ва баҳолаш, уни жадаллик даражасини, фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини аниқлаш.
2. Кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасини тасдиқланган меъёр ва стандартлар билан қиёслаш. Ресурслардан тежамли фойдаланиш назорати
3. Кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги даражасини ўтган йиллар маълумотлари билан қиёслаш. Иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларнинг ривожланиш тенденциялари ва суръатларини белгилаш.
4. Таҳлилга қилинаётган корхонанинг кўрсаткичлар даражасини соҳанинг етакчи корхоналар фаолияти кўрсаткичлари билан қиёслаш. Корхонанинг рақобатдошлигини баҳолаш ва унинг фаолияти натижаларини яхшилаш резервларини аниқлаш.
5. Таҳлилга тортилган корхонанинг кўрсаткичлар даражасини соҳанинг корхоналар фаолияти ўртача кўрсаткичлари билан қиёслаш. Бозордаги ўша соҳанинг бошқа корхоналари ўртасидаги корхонанинг ҳолатини аниқлаш ва уни рақобатдошлиги ва тадбиркорлик рискларини баҳолаш.
6. Параллел ва динамик қаторларни қиёслаш. Ўрганилаётган ҳодисалар ўртасида алоқа шакллари мавжудлиги ва йўналишини белгилаш.
7. Бошқарув қарорлари турли вариантларини қиёслаш. Қарорнинг янада оптимал вариантини танлаш.
8. Қандайдир омил ўзгаришидан аввалги ва кейинги фаолият натижаларини қиёслаш. Фаолият натижалари таъсирчанлигига ўрганилаётган омиллар ўзгариши даражасини баҳолаш.
9. Тадқиқ этилаётган даврда турли кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини қиёслаш. Таҳлил қилинаётган корхона шароитида иқтисодий қонунлар намоён бўлиши характерини ўрганиш.
10. Турли даврда бир кўрсаткичнинг ўсиш суръатини қиёслаш. Бир соат, смена, иш куни, йил давомида ресурслардан фойдаланиш тўлиқлигига уларнинг таъсирчанлигини баҳолаш.[16]

Мутлақ ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш усули:

Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичларни ўрганиш мутлақ миқдорлардан фойдаланиш билан бошланади. Мисол учун, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (натурал ва қиймат ўлчовларида), товар айланиш ҳажми, маҳсулот ишлаб чиқариш таннари, ялпи тушум, ишчилар сони ва ҳоказо. Мутлақ кўрсаткичлар бошқа ходисаларнинг ўлчамига нисбатсиз миқдорий ўлчовини акс эттиради, нисбий эса – катталиклар ўрганилаётган ҳодиса ва катталикларнинг бошқа давр ёки бошқа объект бўйича олинган қандайдир бошқа ҳодиса ёки катталикларга нисбатини ифодалайди.

Мутлақ миқдорларсиз таҳлил ишларини амалга ошириб бўлмайди.

Иқтисодий таҳлилда мутлақ миқдорлар воқеликни билиш, тушуниш, ўқиш ва ўртача ҳамда нисбий кўрсаткичларни ҳисоблашда асосий ахборот базаси бўлиб фойдаланилади. Шунингдек, мутлақ ўзгариш иқтисодий таҳлилда муайян кўрсаткични аввалги даврларга нисбатан мутлақ миқдордаги фарқларини кўрсатиб беради.[9]

Гуруҳлаштириш усули:

Иқтисодий таҳлил корхона фаолиятида кўп сонли воқеликларни гуруҳлаштириш усули билан тартибга солиб ўрганади. Бунда воқеликларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати чуқур тадқиқ этилиб, уларнинг бир турдаги хусусиятлари, жиҳатлари ва миқдорлари аниқланиб, шу мезонлар бўйича гуруҳлар ва кичик гуруҳларга ажратилади. Таъкидлаш керакки, воқеликлар тасодифий белгиларига кўра гуруҳларга бўлинмайди.

Бу ҳолат таҳлил натижаларига жиддий таъсир этади.

Воқеликларнинг ташкил этувчи таркиб, тузилиш ҳамда тартиб, уларнинг ўзгариш сабаби ҳамда ўзгартирувчи асосий омилларининг биргаликда юзага чиқиши ҳамда ўзаро боғлиқлиги асосида кўрсаткичларни гуруҳлаштириш учун илмий асосланган белгилар топилади. Хўжалик жараёнларини белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш билан ҳар бир гуруҳга тегишли бошқа воқеликларни аниқлаш, ўрганиш, уларнинг ўзига хос томонларини топиш ҳамда гуруҳдаги турли воқеликларни ўзаро алоқалари, боғлиқликлари ва таъсирини билиш, шу асосда гуруҳ бўйича бир неча

жараёнларнинг биргаликдаги ривожланишининг йўналиши ҳамда конунийлиги аниқланади. Демак, корхона фаолиятидаги воқеликларнинг тузилиши ва ўзаро

боғлиқликларини ўрганиш мақсадида барча кўрсаткичларни илмий асосланган

белгиларига кўра ажратиб, ажралган муайян бўлакка тегишли воқеликларни алоҳида тарзда ўрганиш усули гуруҳлаштиришнинг мазмунини ташкил этади. Шу жойда таъкидлаб ўтиш керакки, алоҳида олинган гуруҳларни ўрганиш натижасида олинган хулосалар иқтисодий таҳлилда белгилаб олинган умумий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб синтез қилинади. Иқтисодий таҳлилда гуруҳлаштириш мақсади ва вазифасига кўра: типологик, тузилиш ва омилли гуруҳларга ажратилади.

Типологик гуруҳлаштириш – бир турдаги воқеликларни умумий белги бўйича бўлакларга ажратишдир. *Тузилиш бўйича гуруҳлаштириш* – кўрсаткичларни ички тузилиши ва уларнинг алоҳида қисмлари мутаносиблигини ўрганишга қаратилган.[9]

Иқтисодий таҳлилда баланс усули:

Баланс усули ўзаро боғлиқ ва тенгланган иқтисодий кўрсаткичларнинг икки гуруҳи мутаносибликларини акс эттириш учун хизмат қилади. Бу усул бухгалтерлик ҳисоби ва режалаштириш амалиётида кенг тарқалган. Лекин у иқтисодий таҳлилда ҳам муайян аҳамият касб этади, хусусан, корхонанинг меҳнат, молиявий ресурс, хомашё, ёнилғи, материал, асосий ишлаб чиқариш воситалари ва бошқалар билан таъминланганлиги таҳлилида кенг фойдаланилади. Мисол учун, корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги аниқлаш мақсадида, меҳнат ресурслари бўйича баланс тузилади. Унда бир томондан, меҳнат ресурсларига бўлган еҳтиёж, бошқа томондан – уларнинг ҳақиқатдаги мавжудлиги кўрсатилади.[16]

Иқтисодий таҳлилда график усулдан фойдаланиш- Иқтисодий таҳлилда ахборотларни график шаклига келтиришда асосан диаграммалар

кўлланилади. Ўз шакли бўйича улар устунли, чизикли, айлана, занжирли, нуқтали, цилиндр, конус, пирамида ва бошқа кўринишларда бўлади. Мазмунига кўра диаграммалар таққослаш, структурали (секторли), динамик, алоқа графиги, назорат графиги тарзида фарқланади.

Таққослаш диаграммалари турли объектларни қандайдир кўрсаткич бўйича нисбатини кўрсатади. Кўрсаткичларни таққослаш учун янада оддий кўргазмали графиклардан, устунли ва чизикли диаграммалардан фойдаланилади. Уларни тузиш учун тўғри бурчакли координат тизимлари кўлланилади. Устунли диаграммаларда абсцисса ўқлари барча объектлар учун бир хил ҳажмда устунлар асосига жойлаштирилади. Конус, цилиндр ёки пирамида кўринишида маълумотлар маркерлари диаграммаларга янада яхши шакл беради. Баъзан таққослаш диаграммалари квадрат ёки айлана кўринишида келтирилади, уларнинг майдони кўрсаткичларнинг катталигига мутаносиб тақсимланади.

Иқтисодий таҳлилда ўртача миқдорлардан фойдаланиш:

Иқтисодий таҳлилда хусусийдан умумийга, тасодифдан қонуниятга ўтишда мутлақ, нисбий кўрсаткичлар билан биргаликда ўртача миқдорлар асосида воқеликларни ўрганиш ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки ушбу усулда бир хил турдаги ялпи, яъни кўп сонли иқтисодий воқеликлар математик ҳисоб-китоблар билан ягона ўртача миқдорга келтирилади. Бу жараёнда бир турдаги ялпи воқеликларнинг ўзига хос хусусияти ҳамда жиҳатларига жиддий эътибор қаратилади. Чунки воқеликларнинг ҳар томондан бир хил бўлиши бу борада келиб чиқиши мумкин бўлган тасодифий ҳолатларнинг олдини олади. Натижада, ўртача миқдорларнинг аниқлиги янада ошади. Ўртача миқдорларни келтириб чиқаришда зарурият ёки талабга кўра турли хил ҳисоб-китоб шакллари – ўртача арифметик, ўртача квадратик, ўртача хронологик, ўртача геометрик ва шу қабилардан фойдаланилади.

Бир турдаги кўп сонли воқеаларнинг ўртача миқдори ва уларнинг ўзгаришини билиш ўрганилаётган иқтисодий жараёнлар

ривожланишининг умумий йўналиши ҳамда қонунийлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. [9]

Аналитик маълумотларни жадвалда келтириш усуллари:

Таҳлилнинг натижалари, одатда, жадвал кўринишида келтирилади. Бу муайян тартибда жойлашган рақамлар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисаларга оид аналитик ахборотларни тақдим этишнинг янада ратсионал ва қулай шаклидир. Аналитик жадвал рақамлар тилида ифодаланган фикрлар, мулоҳазалар тизимини ўзида акс эттиради.

Аналитик жадвалларни тузиш – иқтисодий таҳлил методикасида муҳим элемент. Бу жараён ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳияти, уларни таҳлил қилиш методикаси жадвалларни расмийлаштириш қоидаларига оид махсус билимларни талаб қилади.

Жадвалларнинг уч кўриниши мавжуд: оддий, гуруҳли ва комбинатсияланган.

Оддий жадвалда тавсифланаётган ҳодиса мажмуавий бирлиги саналади.

Оддий жадваллар вазифаси – ўрганилаётган ҳодиса ҳақида ахборотларни фақатгина санаб ўтишга тайинланади.

Гуруҳли жадвалларда ўрганилаётган мажмуавийликнинг алоҳида бирликлари бўйича маълумотлар ёки гуруҳлар бир жиддий белгиси бўйича бирлаштирилади. Кўрсаткичларнинг динамикасини акс эттиришда маълумотлар хронологик тартибда жойлаштирилади.

Аналитик мазмунига кўра жадваллар турлича фарқланади.

Масалаларни ҳал қилиш учун таҳлилда кўп сонли жадваллар келтирилиши мумкин. Бу ҳолатда жадвалларни жойлашиш тартиби мантиқий кетмакетликда жойлаштирилиши шарт. Бу эса таҳлил натижаларини осон тушуниш имконини беради. Таҳлил натижаларини умумлаштириш учун қўшма жадваллар тузилиб,

унда корхонанинг фаолиятининг у ёки бу жиҳатига кўра тадқиқот материали тизимлаштирилади.

1.4 I боб бўйича хулосалар

- 1.Республикамизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, аҳолини арзор ва безарар дори воситалар билан таъминлашга қаратилган Ҳукумат қарорлари таҳлил қилинди.
- 2.Фармацевтика ташкилотлари фаолиятини иқтисодий таҳлилини ўтказиш ва фаолиятини такомиллаштириш ички резервларни аниқлаш учун қўлланилган иқтисодий таҳлил усуллари ўрганилди.
- 3.Дорихона муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилида иқтисодий таҳлилнинг қўллаш ҳолатлари таҳлили амалга оширилди ва ташкилотларни бошқаришдаги аҳамияти белгиланди.
- 4.Бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатбардошлик муҳитида фаолият юритадиган дорихона муассасаларини бошқариш қонунлари аниқланди.

2.БОБ. БУХОРО “ДОРИ-ДАРМОН” МЧЖ КОРХОНАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАХЛИЛИ

2.1. Бухоро “Дори-дармон”МЧЖ корхонаси тўғрисида маълумот.

“ ДОРИ-ДАРМОН” акциядорлик компанияси қарори 2014 йил 01 апрел “27а” сонга мувофиқ АК дан ООО га ўзгартирилди. “БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” аввал Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри Шайхул олам кўчаси, 40-уй мазили бўйича жойлашган ва Шўба корхона сифатида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 07.09.2005 Но 660 рестер рақами билан (гувоҳнома Но-000501) рўйхатдан ўтгазилган бўлиб масуляти чекланган жамият шаклида қайта ташкил этилган юридик шахс сифатида фаолят кўрсатади.

“БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” масуляти чекланган жамияти ўз фаолятини собиқ “БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” Шўба корхонасининг ҳуқуқий вориси сифатида тўлалигича ифода этади.

“БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” Шўба корхонаси ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбурятларини “БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” масуляти чекланган жамиятга беради, ўз навбатида “БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” масуляти чекланган жамияти “БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” Шўба корхонасининг мулки ҳамда Устав фондидни олади.

“БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН” масуляти чекланган юридик шахс бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг “Масуляти чекланган ҳамда қўшимча масулятли жамиятлар тўғрисида” ги қонунига, жамият таъсисчисининг қарорига ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ таъсисчисининг маблағларини бирлаштириш йўли билан тадбиркорлик фаолятини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадида ташкил этилган. Жамият иштирокчисининг қўшган хиссасига мувофиқ фойда олишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларга мувофиқ мустақил молия хўжалик фаолятини амалга ошириш ҳамда таъсисчисининг манфатини ҳимоя қилиш ва фойда олиш учун ташкил этилган. Мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Корхона фаоляти йўналишлари аҳолини даволаш профилактика муассассалирини сифатли дори-дармон воситалари ва тиббий маҳсулатлар билан тامينлаш. Ҳаётий муҳим бўлган дори –дармон воситалари ва тиббий маҳсулотарга буюртмаларини шакиллантириш ва уларга республика соғлиқни сақлаш муассассаларининг бўлган эҳтиёжини тузиладиган шартномалар асосида қондириш.

ЎЗИНИНГ ФАОЛЯТИДА ЖАМИЯТ ҚУЙДАГИ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ҲАМ ОЛИБ БОРИШ ХУҚУҚИГА ЭГА

Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавоб беради.

Сотиб олиш ва сотиш.

Лизинг ва ижара хизматларини кўрсатиш.

Дорихоналар ташкил этиш дори-дармон ишлаб чиқариш ва четдан олиб кириш.

Умумқурилиш ташкилотлари.

Савдо ва воситачилик ишлари.

Кўчмас мулк олди соттисини амалга ошириш.

Божхона фаоляти билан боғлиқ декларантлик фаолиятини юритиш.

Нашриёт ва босмохона фаолиятини олиб боориш қонунчиликда белгиланган тартибда олиб бориш.

ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚУЙ МАҚОМИ

Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан этиборан юридик шахс мақомига эга бўлган ва

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишига ёки уларнинг устав фондида бошқа тарзда иштирок этишига ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ

“ДОРИ-ДАРМОН” Акциядорлик компанияси	100 %
--	---------------------

УСТАВ ВА БОШҚА ФОНДЛАР

Жамиятнинг устав фонди 1977418370 (Бир миллиард тўққиз юз етмиш ети миллион тўрт юз ўн саккиз минг уч юз етмиш) сўм компания қарори билан белгиланган тартибда пул маблағлари ва мулк кўринишида шакиллантирилган.

Жамиятга берилган мол-мулк оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, у бўлинмасдир ва қўшилган хиссалар (улушлар, пайлар) бўйича шу жумладан жамият ҳодимлари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас.

Жамият иштирокчи томонидан хиссанинг тўлиқ киритилганлиги Жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ

Жамият устав фондини камайтириш амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ камайтирилиши мумкин.

ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

Жамият ўзининг мустақил балансида ҳиссобога олинadиган алоҳида мол-мулкка эга.

Егалик ҳуқуқида Жамиятга унинг иштирокчи томонидан хисса сифатида берилган мулк, шунингдек бошқа асослар бўйича сотиб олинган мулк тегишли бўлиши мумкин.

Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда, унинг кредиторлари билан ҳиссоб-китоб тугалланганидан сўнг қолган унга қарашли улуш агар қонун ҳужжатлари ёки тасис ҳужжатларида бошқаси назарда тутилган бўлмаса тугатилаётган шахснинг иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

ИШТИРОКЧИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРТИБИДАН ЧИҚИШИ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИ (УЛУШНИНГ БИР ҚИСМИНИ) ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОЛИНИШИ

Жамият таъсис этилишида ўз хиссасини муддатида тўлиқ киритмаган жамият иштирокчисининг улуши Жамиятга ўтказилади.

Жамиятга қарашли улушлар Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш нәтижаларини аниқлаш, шунингдек Жамият туглланган тадирда унинг қоидаси ва мол-мулки тақсимланмаётганда хиссобога олинмайди.

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ

Жамиятнинг жорий фаолятига раҳбарликнинг якка бошчилик асосидаги ижроия органи –директор амалга оширади.

Жамият директори жамият номидан ўз ваколати доирасида ишончномасиз ҳаракат қилади.

ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.

Жамият фаолятини назорат қилиш компания томонидан Жамият молия хўжалик фаолятини назорат қилишга ваколат берган орган амалга оширади.

ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛЯТИДА ЖАМИАЙНИНГ ХИССОБИ ВА ХИССОБОТИ

Молиявий салендар йилининг биринчи январ кунидан бошланади ва ўттиз биринчи декабрда тугатилади. Йил тугаганда жамиятнинг баланси, фойда ва зиёнлар хиссоти тузилади. Директор молиявий йил тугагандан сўнг уч ойдан кечиктирмай жамият фаоляти тўғрисидаги хиссотни компанияга тақдим этади.

ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ ВА ФОЙДАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

Жамият фаолят давомида олинган фойдани жамият иштирокчисига даронмад сифатида иштирокчининг даромад тўғрисидаги қарор олган кундан бошлаб бир ойгача тўлаб беради.

ЙИРИК БИТИМЛАР

Йирик битимлар тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Умумий йиғилишда

иштирокчиларнинг бири бир овоздан қабул қилинган овози билан рухсат берилади.

ЖАМИЯТ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

Жамиятнинг филиаллари ва ваколатлар тўғрисидаги низомлар жамият компаниянинг баённомалари.

Аудиторлик компанияларининг хулосалари

АХБОРОТНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

Жамият компаниянинг аудиторлик ташкилотнинг талабига биноан, улар кўрсатган муддатда Жамиятнинг таъсис ва бошқа ҳужжатлари шунингдек Жамиятнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа исталган ахборот билан танишиш имкониятини бериши шарт

ЖАМИЯТНИН ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

Таъсиснинг қарори бўйича

БОШҚА ШАРТЛАР

Ушбу устабда ҳал этилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади

Бўлимлардан иборат (“БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН”) МЧЖ уставини тўлиқ матн иловада келтирилди.

2.2 Бухоро “Дори-дармон” МЧЖ савдо ҳажмининг таҳлили

Маълумки, дорихонанинг асосий вазифаси, мулк туридан қатъий назар, аҳолини ва даволаш профилактика муассасаларини безарар юқори самарали дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминлашдир.

Ушбу вазифани амалга оширилиши дорихона фаолиятида бир нечта функцияларни бажарилишини талаб қилади.

Дорихона микроиқтисодиёт субъекти бўлиб, унинг иқтисодий фаолиятини белгиловчи ўзига хос хусусиятларга эга. Энг аввало дорихона – бу соғлиқни сақлаш муассасасидир. Дорихона иқтисодиётини белгиловчи асосий хусусияти шундаки, унинг фаолиятида тиббий, ишлаб чиқариш, маркетинг, ахборот ва савдо функциялари мужассамлашгандир.

Дори воситалар алоҳида тиббий товар бўлиб, унинг сифатиغا, сақлаш шароитига белгиланган талаблар мавжуд. Шунингдек дорихона ходимлари бепул биринчи тиббий ёрдамни амалга оширишлари белгиланган. Буларнинг барчаси қўшимча ҳаражатларни талаб қилади, ўз навбатида дори воситаларнинг деярли ярми рецепт асосида сотилади, бу эса савдода айрбошлаш ҳажмини сусайтиради.

Юқорида келтирилган ҳолатлар дорихонада тиббий функцияни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бундан ташқари дорихона муассасаларида ишлаб чиқариш функциялари билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар мавжуд. Якка тартибда ва кичик серияда олдиндан тайёрлаб қўйиладиган дори воситаларини тайёрлаш учун хомашё заҳарларини тайёрлаш, дори воситаларини тайёрлаш хоналарига қўйиладиган алоҳида талаблар (асептик блокинни ташкил этиш, фармацевт-аналитик хонаси, ассистентлар хонаси) дори воситаларини тайёрлаш учун меҳнат ҳақи, қўшимча электроэнергия каби ҳаражатлар дорихонада товар айрбошлаш жараёнини секинлаштиради ва муомала ҳаражатларини оширади.

Шундай экан, аҳолини ва дорихона профилактика муассасаларини узулуксиз дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминлашда иқтисодий таҳлил алоҳида ўрин тутди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз Бухоро вилояти “Доридармон” МЧЖ мисолида унинг савдо-молия фаолиятни иқтисодий таҳлил қилдик. Бунинг учун савдо ҳажми динамикасининг таҳлилинни ўтказдик. Маълумки, бир неча йиллик савдо ҳажмини таҳлили нарх индекси асосида ўтказилмаса, таҳлил натижаларида аниқ ҳулоса чиқариб бўлмайди. Шу мақсадда биз, нарх индексидан фойдаланган ҳолда амалда бажарилган савдо ҳажмини базис йилга (2015йил) нисбатан қайтадан ишлаб чиқдик ва солиштирма таҳлил ўтказдик (2.1-жадвал). Таҳлил учун дорихонанинг 2015-2017 йилларга молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва бухгалтерия балансидан фойдаланилди.

Савдо ҳажмининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Амалдаги савдо ҳажми		
	2015 йилда	2016 йилда	2016 йилда
Савдо ҳажми минг сўмда	33384,6	43178,1	45686,9
Занжирли нарх индекси	100	125	140
Ҳисобот йилига нисбатан нарх коэффициенти	1	0,8	0,7
Қайта ишланган савдо ҳажми	33384,6	34542,5	31980,8
Ўсиш суръати	-	3,3	-8,0
Ўртача ўсиш суръати	- 2,3		

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2015-2017 йилларда савдо ҳажми ўртача 2,3% пасайган.

Дорихонанинг савдо ҳажми динамикасига кўплаб омиллар таъсир қилади. Уларни қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- заҳираларга боғлиқ бўлган омиллар;
- дорихона ходимлари ва меҳнат унумдорлиги;
- моддий-техник база ва унинг ишлатилиш самарадорлиги;

2.3 Бухоро “Дори-дармон”МЧЖ заҳиралар билан таъминланганлик ҳолатининг таҳлили

Савдо ҳажмини ошишига таъсир қиладиган асосий омил бу дорихонадаги захиралар ва улардан оқилона фойдаланишдир. Чунки савдо ҳажми дорихонага ўз вақтида келиб тушаётган товар моддий бойликлар ва уларни сафдан чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, ҳисобот даври бошига бўлган захиралар ҳажмига нисбатан юқори бўлиши савдо ҳажмига ижобий таъсир этади ва ҳисобот даврининг охирига қолган захираларнинг кўпайиши эса, аксинча, салбий таъсир кўрсатади.

Биз таҳлил қиладиган дорихона мисолида ўтказилган натижалар 2.2-жадвалда келтирилди.

2.2-жадвал

Млн.сўм

Кўрсаткич	2015 Йил	2016 Йил	Фарқи %	2017 Йил	Фарқи %
Йил бошига қолдиқ	10254,1	10727,8	+473,7 (4,4)	11224,5	+496,7 (4,4)
Йил охирига қолдиқ	10727,8	11224,5	+496,7 (4,4)	13193,5	+196,9 (14,9)
Келиб тушган захира	33858,3	43675,2	+9816,9 (22,4)	47655,9	+3980,7 (8,3)
Савдо ҳажми	33384,6	43178,5	+9793,9 (22,6)	45686,9	+2508,4 (5,5)

Таҳлил жараёнида дорихонада ўтказилган инвентаризация маълумотлари ва молиявий натижалар ҳисоботидан фойдаланилди. Дорихонага келиб тушган товар-моддий бойликлар ҳажми товар-баланс формуласи асосида ҳисоблаб топилди:

$$\Pi = O_2 + P - O_1$$

Бунда, Π – келиб тушган товар-моддий бойликлар

O_1 – ҳисобот даври бошига бўлган захиралар қолдиғи

O_2 – ҳисобот даври охирига бўлган захиралар қолдиғи

P – савдо ҳажми

Дорихонанинг захиралар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш учун, ҳар бир кўрсаткичнинг савдо ҳажмига таъсирини абсолют суммада ва нисбий фоизларда таҳлил қилиниши зарур.

Таҳлил натижаларида 2017 йилнинг охирида захиралар деярли 15%га ошганлигини кўрсатди.

Меъёридан ортиқча бўлган товар-моддий бойликлар, уларни сақлаш ва бошқа ҳаражатлар билан боғлиқлиги сабабли, 2017 йилда муомала ҳаражатларини ўсишига сабаб бўлган. Ўз навбатида, товар-моддий бойликларни келтирилиши 22,4%дан 8,3% гача камайган.

Иқтисодий таҳлилнинг кейинги босқичида биз, муомала ҳаражатларини охириги 3 йилдаги ҳажмини абсолют суммада ва нисбий фоизларда ўргандик.

2.4 Муомала ҳаражатларининг таҳлили

Муомала ҳаражатлари – маълум давр давамида истеъмолчига товарларнинг етказилиш жараёнида сотувчи томонидан амалга оширган ҳаражатларнинг пул кўринишидаги ифодасидир.

Муомала ҳаражатларининг таҳлили дорихона муассаси ўзининг асосий фаолияти – дорихона ассортименти товарларини реализация қилиш жараёнида меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларини рационал равишда, ишлатиш ҳисобига фаолиятининг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашга йўналтирилган.

Дорихона муомала ҳаражатлари таҳлилининг асосий масалаларига қуйидагилар киради:

- ҳаражатлар бўйича режаларнинг умумий бажарилишининг таҳлили;
- ҳаражатлар ҳажми, динамикаси ва тузилмасининг таҳлили;
- муомала ҳаражатларининг алоҳида моддаларининг таҳлили;
- ҳаражатларни тежаш учун захираларни аниқлаш.

Маълумотлар манбаси сифатида Бухоро “Дори-дармон” МЧЖнинг бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари маълумотлари, молиявий натижалар ҳисоботи хизмат қилди.

Иқтисодий таҳлилнинг кейинги босқичида биз, муомала харажатларини охириги 3 йилдаги ҳажмини абсолют суммада ва нисбий фоизларда ўргандик. (2.3-жадвал)

2.3-жадвал

Муомала харажатларининг таҳлили

Кўрсаткич	2015 Йил	2016 йил	Фарқи (%)	2017 Йил	Фарқи (%)
Савдо ҳажми, минг сўмда	33384,5	43178,0	+9793,5 (28,7)	45686,9	+2508,9 (5,4)
Муомала харажатлари, минг сўмда	4215,0	5297,5	+1082,5 (20,4)	5601,5	+304,1 (5,4)
Муомала харажатлари, %	12,6	12,2	-0,4	12,2	0
Фоизда ўртача, ўсиш даражаси	12,3				
Қайта ишланган муомала харажатлари		5310,9		5619,5	
Тежамкорлик		+13,4		+17,9	

Жадвалдан кўришиб турибдики, муомала харажатлари таҳлил қилинаётган даврда ўсиб борган, жумладан 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1082,5 минг сўмга ва 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 304,1 минг сўмга кўп бўлган. Аммо, савдо ҳажмига нисбати фоиз кўринишидаги

таҳлил натижаларида 2016 йилда 2015 га нисбатан 0,4 % га кам бўлгани ва 2017 йилда 2016 йил фоизида қолгани аниқланди.

Биз муомала ҳаражатларини дорихона тежамкорлигига қандай таъсир қилганини ўрганиш мақсадида, унинг савдо ҳажмига нисбатан фоиз кўринишида таҳлил қилдик ва тежамкорликни аниқладик. Бунинг учун муомала ҳаражатларини савдо ҳажмига нисбатан ўртача қиймати аниқланди (1) ва ушбу қиймат бўйича муомала ҳаражатларини абсолют қиймати ҳисобланди (2):

$$MX = (12,6+12,2+12,2): 3 = 12,3 \quad (1)$$

$$MX_{2016} = (43178 \cdot 12,3) : 100 = 5310,9 \quad (2)$$

$$MX_{2017} = (45686,9 \cdot 12,3) : 100 = 5619,5 \quad (3)$$

Бунда MX - муомала ҳаражатлари

Бўлиши мумкин бўлган муомала ҳаражатлари суммаси асосида тежамкорлик аниқланди:

$$T_{2016} = 5310,9 - 5297,5 = + 13,4 \text{ м.сум}$$

$$T_{2017} = 5619,5 - 5601,6 = + 17,9 \text{ м.сум}$$

Бунда T – тежамкорлик;

Яъни, ўртача муомала ҳаражатлари даражаси асосида 2016 йилда 13,4 м.сўм ва 2017 йилда 17,9 м.сум тежалган, аммо бу ялпи даромад суммасидан кўп эканлигини кўрсатди.

Бунинг сабабини аниқлаш мақсадида, биз фойда ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилдик (2.4-жадвал).

2.5 Бухоро “Дори-дармон” МЧЖ соф фойдасининг таҳлили

Ҳар бир корхонанинг асосий мақсадларидан бири, бу фойда олишдир. Фойда бу ойлик маоши, капиталдан олинадиган даромад фоизи, ердан

фойда олишда рента билан бир қаторда даромаднинг бир шаклидир. У корхона фаолиятини иқтисодий самарасини ифодалайди.

Фойда бу тадбиркорлик фаолиятининг пул шаклида ифодаланган натижасидир.

Фойданинг тўлиқ иқтисодий соҳияти унинг бажариладиган функциялари орқали намоён бўлади. Фойда бу:

- ишчиларнинг моддий томонидан қизиқишини ортиши омили ва тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади;

- молия иқтисодий фаолиятининг самарадорлик бирлиги;

- корхона ривожланиши учун молиявий ресурслар манбаси ва унинг бозор нархининг оширилиши;

- турли даражали бюджетларнинг даромад қисмининг шаклланишининг манбаси.

Фойданинг биринчи функцияси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий мақсади ва охириги мақсади бу корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилашдир. Бу ўсишнинг характеристикаси сифатида манба бўла оладиган олинадиган фойда капиталга киритилган даромаднинг катталиги ҳисобланади. Корхона мулкдори бўлмаган ишчилар учун ҳам фойда фаолият юритиш учун асосий мақсад бўлиб хизмат қилади, чунки у меҳнат учун қўшимча моддий рағбатлантириш ва бир қатор ижтимоий талабларни қондириш учун восита ҳисобланади.

Фойданинг иккинчи функцияси иқтисодий самарани белгилаш билан боғлиқ бўлиб, сарфланган ҳаражатларни фаолиятнинг сифатини белгилайди. Бошқа тенг шароитларда агар корхонанинг умумий ҳаражатлари катта фойдани таъминласа (фойдани максимизацияси) ёки агар дастлабки фойда суммаси минимал фойда билан олинган бўлса (ҳаражатларнинг минимизацияси), корхона фаолиятини самарали ҳисоблаш мумкин.

Фойданинг учинчи функцияси дорихона муассасининг молиявий ресурсларини шакллантиришда ички манбалар тизимида муҳим аҳамиятга

эга. Корхона ишлатиши учун фойда канча кўп қолаверса, бошқа манбалардан воситаларни олишга бўлган эҳтиёж шунча камаяди ва молиявий барқарорлик даражаси шунча юқори бўлади.

Ҳозирги замонда ушбу функциянинг аҳамияти ўсиб бормокда, чунки дорихона муассаси фойдани ишлатиш йўналишларини мустақил аниқлайди (заҳира ва бошқа фондларнинг шаклланиши, дивидентларни ва корхоналарда қатнашишлардан бошқа фойдаларни тшлаш). Дорихона оладиган фойданинг бир қисмини капитализация қилиш, унга киритилган капитални оширишга кўмак бўлади. Корхона фойда массаси канча кўп бўлса ва унинг канча кўп қисми ишлаб чиқариш корхонасига йўналтирилса, корхона активларининг нархи шунча катта бўлади ва дорихонани сотишда аниқланадиган бозордаги нархи шунча юқори бўлади.

Фойда ҳисобига бюджетнинг турли даражаларини даромад қисми шаклланади. Бу солиқлар тизими ва ҳар бир дорихона муассаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар орқали амалга оширилади, яъни фойданинг тўртинчи функцияси амалга оширилади.

Юқорида келтирилган маълумотларга биноан, биз фойда ва унинг ҳажмига таъсир қиладиган омилларнинг таҳлилини ўтказдик (2.4-жадвал).

Таҳлил натижасида аксарият ҳолларда муомала ҳаражатлари даромаддан кўп эканлиги аниқланди. Жумладан, 2015 йилда даромад муомала ҳаражатларидан 23,6 м. сўмга, 2016 йилда 11,2 м. сўмга кам бўлган. Ушбу йилларда муомала ҳаражатлари бошқа даромад (2015 йилга 1820,8 м. сўмга ва 2016 йилга 2278,9 с. сўм)лар ҳисобига қопланган.

Солиқ тўланганидан сўнг, қолган соф фойда 2015 йилда 473,9 (1,4%) м.сўм ва 2016 йилда 600,8 (1,4%) м.сўмни ташкил қилган.

2017 йил учун соф фойда таҳлили қуйидагиларни кўрсатади:

Ялпи даромад 6082,2 м.сўм, яъни савдо ҳажмига нисбатан 13,3%ни ташкил қилган. Муомала ҳаражатлари 5601,5 м.сўмни ва савдо ҳажмининг 12,2%ни ташкил қилган.

Солиқ тўлагунига қадар олинган фойда – 480,7 м.сўм. Бундан ташқари, бошқа фаолият турларидан дорихона 3260, 7 м.сўм даромад олинган. Жами даромад 3741,4 м.сўмни ташкил қилади. Аммо, 2017 йилда молиявий харажатлар 2016 йилга нисбатан деярли 80%га кўп бўлган. Натижада олинган даромадга қарамай дорихона рентабеллик кўрсаткичи атиги 0,015%ни ташкил қилган.

2.4-жадвал

Соф фойда таҳлили

Млн.сўм

Кўрсаткич	2015 Йил	2016 йил	Фарқи (%)	2017 Йил	Фарқи (%)
Савдо ҳажми	33384,5	43178,0	+9793,5 (22,7%)	45686,3	+2508 (5,5%)
Муомала харажатлари %	4125,0 (12,6%)	5297,5 (12,2%)	+1082,5 (20,4%) - 0,4	5601,5 (12,2%)	+304,0 (5,4%)
Ялпи даромад %	4191,4 (12,5%)	5286,3 (12,2%)	+10949 (20,7%)	6082,2 (13,3%)	+795,9 (13,0%)
Фойда	-23,6	-11,2		+480,7	
Бошқа даромадлар	1820,8	2272,9	+452,1 (19,9%)	3260,7	+987,8 (30,3%)
Молиявий харажатлар	482,3	550,8	+68,5 (12,4%)	2701,2	+2150,4 (79,6%)
Даромад солиғини тўлагунгача бўлган фойда	1319,8	1710,8	+391 (22,8%)	1169,4	-541,4 (46,3%)
Фойдадан	840,5	1110,0	+269,5	1162,5	+52,5

солиқлар ва йиғимлар			(24,3%)		(4,5%)
Соф фойда, (%)	479,3(1,4%)	600,8 (1,4%)		6,9 (0,015%)	

Таҳлил натижасида ялпи даромад савдо ҳажмига нисбатан 8,2 % - 10,6%гача бўлиб, муомала ҳаражатлари суммасидан анча пастлигини кўрсатди (4 жадвал).

Дорихонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида асосан, дорихона бошқа фаолиятдан ҳам даромад олган ва у 2013 йилда 1106,9 минг сўмни, 2014 йилда 2334,4 минг сўмни ва 2015 йилда 1701,5 минг сўмни ташкил қилган. Ушбу даромад ҳисобига муомала ҳаражатлари ва молия ҳаражатлари қопланган. Солиқ тўлангунга қадар, олинган фойда 2013 йилда 474,8 минг сўм, 2014 йилда 638,4 ва 2015 йилда 939,3 минг сўмни ташкил қилган.

Солиқ ва йиғимлар тўлангандан сўнг, дорихона рентабеллик кўрсаткичи 2013 йилда 0,7%, 2014 йилда 0,75% ва 2015 йилда 1,3% ни ташкил қилди. Ўртача ўсиш суръати 0,3%

2.6 Бухоро “Дори-дармон”МЧЖ корхонаси асосий воситаларининг таҳлили.

Аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини сифатли ва самарадор дори воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш жараёни, дорихона муассасаларининг моддий техника базаси ва унинг техник ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, асосий воситалар билан талаб даражасида таъминланганлик дорихона рентабеллигини оширишда алоҳида ўрин тутди.

Мазкур бўлимда, Бухоро вилояти “Дори-Дармон” МЧЖ мисолида асосий воситалар таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларида асосий воситалар техник ҳолатига баҳо берилди, яроқлилик, эскириш коэффициентлари

аниқланди ва умумий кўрсаткичлар асосида ишлатилиш самарадорлиги ҳисоблаб топилди. Таҳлил асосида дорихонанинг асосий воситаларини ишлатилиш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан республикамиз аҳолисини безарар ва самарали дори воситалар ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини оширишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Улар ижросини талаб даражасида бажарилишини таъминлаш эса, дорихона фаолиятини тўғри ташкил этиш, савдо молия фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бориш, ички резервларини аниқлаш ва ундан унумли фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини сифатли ва самарадор дори воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш жараёни, дорихона муассасаларининг моддий техника базаси ва унинг техник ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, асосий воситалар билан талаб даражасида таъминланганлик дорихона рентабеллигини оширишда алоҳида ўрин тутди. Шу муносабат билан, Бухоро вилояти “Дори-Дармон” МЧЖ фаолияти мисолида дорихоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлилини ўтказдик.

Таҳлил учун Бухоро вилояти “Дори-Дармон” МЧЖ ҳисобот ҳужжатларидан фойдаланилди. Мазкур ишда дорихона асосий воситалари ва уни ишлатилиш самарадорлигини аниқлаш борасида ўтказилган иқтисодий таҳлил натижалари келтирилди.

Асосий воситаларга узоқ муддат ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, натурал ҳолатини йўқотмайдиган воситалар киради.

Дорихона муассасаларида асосий воситаларининг ўзига хос хусусиятлардан бири, уларни ишлатилиш (фойда келтириш) муддати бўлиб, у бир йилдан ортиқ бўлиши талаб этилади. Асосий воситаларга бино, иншоот, қурилмалар, асбоб ва ускуналар, ҳисоблаш техникалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари билан бирга, кўп йиллик кўчатлар, зотли мол каби объектлар ҳам киритилади. Иқтисодий таҳлил

асосида, асосий воситалар ҳолатига баҳо бериш, ишлатилиш самарадорлигини аниқлаш ва натижаларига кўра уларга бўлган талабни аниқлаш имкони яратилади.

2.7 Асосий воситалар техник ҳолатининг таҳлили

Биз иқтисодий таҳлилни асосий воситаларнинг техник ҳолатига баҳо беришдан бошладик.

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини баҳолаш учун таҳлил натижалари 2.5-жадвалда келтирилди.

2.5-жадвал

Техник ҳолатининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот бошига	Ҳисобот охирига
Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, млн.сўмда	3682,8	4086,3
Эскириш суммаси, млн.сўм.	1706,5	1983,8
Яроқлилик коэффиценти	0,53	0,51
Эскириш коэффиценти	0,46	0,48

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини баҳолаш учун яроқлилик коэффицентини (Y_k) аниқлаш зарур. Бунинг учун ҳисобот даври бошидан асосий воситалар бошланғич қийматидан амортизация суммасини айириб, асосий воситалар қолдиқ баҳосини аниқладик ва уни асосий воситалар баланс қийматига нисбатан яроқлилик коэффицентини чиқардик:

$$Y_k = \frac{3682,8 - 1706,5}{3682,8} = 0,53 \quad (1)$$

$$Y_k = \frac{4086,3 - 1983,8}{4086,3} = 0,51 \quad (2)$$

Демак, яроқлилик коэффиценти ҳисобот даври бошига 0,53 (1) ва ҳисобот охирига 0,51 (2) ни ташкил этади. Ушбу коэффицент қанчалик

1,0 га яқин бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида шунча янги асосий воситалар ишлатилаётганини билдиради. Таҳлил натижасида Бухоро вилояти “Дори-Дармон” МЧЖ. да асосий воситаларни янгиланиш динамикасида пасайиш, яъни 0,53 дан 0,51 га тушганлигини кўриш мумкин.

Асосий воситаларларни техник ҳолатига баҳо бериш учун яна бир коэффициент – эскириш коэффициенти аниқлаш зарур. Ушбу кўрсаткич амортизация (эскириш)ни асосий воситаларнинг умумий қийматидаги улушини кўрсатади. Бизнинг мисолимизда бу коэффициент ҳисобот даври бошига:

$$K = 1706,5 : 3682,8 = 0,46;$$

ва ҳисобот даври охирига:

$$K = 1983,8 : 4086,3 = 0,48;$$

ни ташкил қилди.

Дорихона асосий воситалар ёки мулк ҳолатига баҳо берилганда эскириш ҳолатини энг оптимал варианты 0,5 дан юқори бўлмаслиги талаб этилади.

2.8 Асосий воситаларнинг ишлатилиш самарадорлиги таҳлили

Дорихона муассасаларининг иқтисодий фаолиятини баҳолашда асосий воситалар ишлатилиш даражаси муҳим роль ўйнайди. Ишлатилиш даражасининг ўсиши, дорихона савдо хажмининг ўсишига, меҳнат унумдорлигини ортишига, муомала харажатларини пасайишига ва соф фойданинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади. Ундан ташқари асосий воситалар ўз вақтида янгиланиши ва маънан эскирган асбоб ускуналардан келадиган зарарнинг камайишига сабаб бўлади.

Асосий воситаларнинг ишлатилиш самарадорлигини таҳлилини умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда хусусий кўрсаткичлар бўйича ҳам ўтказилади. Умумий кўрсаткичлар дорихонанинг умумий асосий фойзининг ишлатилиш самарадорлиги бўйича тавсиф берса, хусусий

кўрсаткичлар тахлили асосида алоҳида асосий воситалар гуруҳлари бўйича тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади. Асосий воситалар бўйича умумий кўрсаткичларга савдо ҳажмини пул кўринишидаги асосий воситаларини ҳар бир сўмига тўғри келадиган миқдори (фондоотдача) ва аксинча савдо ҳажмининг 1 сўмига тўғри келадиган асосий воситалар қиймати (фондоемкость), фойданинг асосий воситалар қийматининг 1 сўмига тўғри келадиган миқдори (фондорентабельность), асосий воситалар ўртача баҳосини ходимлар ўртача сонига нисбати (фондовооруженность) ва асосий воситалар ишлатилиш самарадорлигига баҳо бериш учун ишлаб чиқилган интеграл кўрсаткичлар киради.

Бухоро вилояти “Дори-Дармон” МЧЖ. асосий воситаларини ишлатилиш самарадорлигини аниқлаш учун биз, қуйида келтирилган формулалардан фойдаландик:

$$\Phi_{\text{отд}} = \frac{P}{C_{\text{AB}}} ;$$

Бунда:

$\Phi_{\text{отд}}$ – асосий воситаларини 1 сўмига тўғри келадиган савдо ҳажми;

C_{AB} – асосий фонд пул кўринишида

P – савдо ҳажми

Савдо ҳажмини бир сўмига тўғри келадиган асосий воситалар қийматини қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$\Phi_{\text{сиф}} = \frac{C_{\text{AB}}}{P} ;$$

Бунда:

$\Phi_{\text{сиф}}$ = савдо ҳажмининг 1 сўмига тўғри келадиган асосий воситалар қиймати;

Асосий воситаларининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган соф фойда қуйидагича ҳисобланди:

$$\Phi_{\text{рент}} = \frac{C \cdot \Phi}{C_{\text{AB}}} ;$$

Бунда:

$\Phi_{\text{рент}} = \text{Асосий воситалар ҳар бир сўмига тўғри келадиган соф фойда.}$

Асосий воситаларини ишлатилиш самарадорлигининг таҳлили 2.6-жадвалда келтирилди.

2.6-жадвал

Кўрсаткичлар млн.сўмда	Ҳисобот йили		Фарқи
	Бошига	Охирига	
Соф фойда(млн.сўм)	2272,9	3741,3	1468,4
Савдо хажми(млн.сўм)	43178,0	45686,9	2508,9
Асосий воситалар млн.сўмда	3682,8	4086,3	403,5
Фондоотдача	11,7	11,2	- 0,5
Фондаемкость	0,085	0,089	0,004
Фондорентабельность	0,61	0,91	0,3
Асосий воситаларни ишлатилиш коэффициенти	2,67	3,2	0,53

Жадвалдан кўриниб турибдики, самарадорлик ҳисобот йилининг бошига нисбатан кўпайган, шу билан бирга, асосий воситалар сиғим коэффициенти ҳам (фондоемкость) 0,004га кўпайган. Ушбу ҳолат, асосий воситаларни ишлатиш самарадорлиги янги асосий воситаларни олиш ҳисобига кўпайганини билдиради.

Асосий воситаларини ҳар бир сўмига тўғри келадиган сумма ҳам 0,3 га ($0,91 - 0,61 = 0,3$) кўпайган, яъни ҳисобот бошига:

$$\Phi_{\text{рент}} = 2272,9 : 3682,8 = 0,61$$

ҳисобот охирига:

$$\Phi_{\text{рент}} = 3741,3 : 4086,3 = 0,91$$

Бу ижобий тенденция бўлиб, яна бир бор асосий воситалар ишлатилиш даражаси талаб даражасида эканлигини кўрсатади.

Асосий воситалар ишлатилиш коэффициенти асосий воситаларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган савдо ҳажмини, асосий воситалар ҳар бир сўмига тўғри келадиган соф фойда миқдорига кўпайтирилиб, илдиз остидаги қийматига тенг бўлади.

Ҳисобот даври бошига ушбу коэффициент:

$$K = \sqrt{11,7 \cdot 0,61} = 2,67;$$

ва ҳисобот охирига:

$$K = \sqrt{11,2 \cdot 0,91} = 3,2;$$

$$\text{Фарқи} = 3,2 - 2,67 = 0,53$$

Кўриниб турибдики, коэффициент ҳам ижобий томонга ўсиб бормоқда.

2.9 МОЛИЯВИЙ ХОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Дорихонанинг иқтисодий фаолияти келиб тушаётган пул оқими яъни молиявий ресурслар ёрдамида амалга оширилади. Молиявий ресурслар деганда, дорихона эҳтиёридаги пул маблағлари тушунилади. Молиявий ресурслар дорихона фаолиятининг фаоллигини, молиявий мажбуриятларнинг тўловларини ва дорихона ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш учун ишлатилади. Пул маблағларининг асосий функцияси савдо ҳажмининг ўсишини, хўжаликда узлуксиз айланмани таъминлаш ва унинг натижасида асосий фаолиятдан даромадни кўпайтиришга йўналтиришдан иборат. Асосий воситаларни кенгайтириш учун қўйилган молиявий маблағлар асосий капитал деб юритилади, айланма маблағлар учун қўйилган молиявий ресурслар эса, айланма капитал деб аталади. Асосий капиталга қўйилган маблағ, асосий воситалар иш унумдорлигини кенгайтириш шароитини яратиш ва айланма капитал маблағи савдо ҳажмини товар моддий бойликларни сотиб олиш учун ишлатилган маблағдан устунлигини таъминлаши лозим.

Дорихона муассасаларининг молия маблағлари асосан назорат қилиш ва тақсимлаш функциясини бажаради.

Тақсимлаш функцияси – дорихонанинг пул воситаларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашга йўналтирилган фаолияти бўлиб, дорихона истикболли режасига биноан, пул воситаларининг маълум бир мақсад учун турли хил молиявий фондларни ташкил қилиш учун тақсимланади. Жумладан, қуйидаги фаолиятни пул маблағлари билан таъминлаш тақсимотини бажаради:

асосий хўжалик фаолиятини;

асосий воситаларни ишлаб чиқариш фаолиятини;

ходимларни моддий рағбатлантириш;

дорихонани ижтимоий ўсиш фаолиятини;

Назорат функция – дорихонанинг савдо молия фаолияти натижалари асосида тушаётган пул воситалари ҳажмини назоратига йўналтирилган фаолиятидир.

Ушбу фаолият самарадорлиги паст ёки умуман бўлмаган жараёнларни аниқлаш ва молиявий йўқотишларни олдини олиш имконини яратади.

Молия маблағларини назорат функцияси дорихона хўжалик фаолиятини ҳар куни ҳар томонлама назорат қилиш ва унинг иқтисодий фаолиятида фаол иштирок этишни амалга оширади. Жумладан, дорихона савдо ҳажмининг тушумини назорати натижасида савдо фаолиятини ташкил этишдаги ва товар- моддий бойликларни харид этишдаги камчиликларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, молия назорати айланма маблағларини кам тушиши, товар-моддий бойликларни сотиб олиш ва уларни сақлаш ҳамда пул воситаларини тежамкорлик билан ишлатилишини таъминлайди. Дорихонанинг молиявий фаолияти, хўжалик фаолиятининг таркиби бўлиб, пул воситаларини режали тушуми ва сарфини таъминлашга, молиявий фаолият асосида дорихонада ҳисоблашиш жараёнини, дорихона маблағларини ва жалб этилган маблағларини оқилона тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланишга

йўналтирилган фаолиятдир. Молиявий фаолиятга баҳо бериш ва уни режалаштириш, молиявий таҳлил асосида амалга оширилади.

Молиявий таҳлил - дорихона молиявий фаолиятининг ўтган ҳисобот даври ҳолати учун кўрсаткичларни ўрганиш ва натижалари бўйича уни такомиллаштириш жараёни. Молиявий таҳлил дорихона мулкнинг ҳолатига баҳо бериш, тадбиркорликда таваккалчилик даражасини қўллаш, маблағнинг етарлиги, қўшимча маблағга талаб, ўз маблағларини кўпайтиришга ёрдам, жалб этилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, соф фойдани асосланган тақсимооти, инвесторларни танлаш имконини яратди. Молиявий таҳлилни ўтказишдан асосий мақсад, молия фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уни ички резервлардан фойдаланган ҳолда бартараф этиш чораларини кўриш, ҳамда дорихонанинг тўлов имкониятини такомиллаштиришдан иборатдир.

Таҳлил учун “Бухгалтерия баланси” ва “Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот” асос қилиб олинади. Дорихонанинг мулки, энг аввало, мақсадга эришиш учун зарур бўлган асосий воситалар ҳолати ва таркиби бўйича тавсифланади.

Дорихона мулкнинг таҳлилида асосий воситалар сони ёки унинг бажарадиган функциялари бўйича эмас, пул кўринишида, бухгалтерия балансининг активидаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади. Дорихона мулкнинг ҳажми (катталиги) қатор оммиларга боғлиқ бўлиб, унинг динамикаси молиявий натижалари бўйича аниқланади. Бунинг учун аналитик баланс ишлаб чиқишда балансдаги валюта таҳлили, алоҳида моддалар таҳлили ёки баланснинг горизонтал ва вертикал таҳлилини, дорихона кўрсаткичларининг ўсиш динамикасини аниқлаш зарур. Аналитик баланс тузиш жараёнида бир бирига ўхшаш моддалар бир гуруҳга жамланади ва баланс моддалари қисқартирилади. Бу билан ҳолатни яққол кўринишига эришилади ва молиявий ҳолатининг устувор тенденцияларини аниқлашга имкон яратилади.

Балансининг актив қисмида бир томонда дорихона асосий фаолиятини амалга оширувчи ишлаб чиқариш натижаси кўрсатилса, иккинчи томонда унинг молиявий шартлари кўрсатилади. Баланс бўлимларининг динамикасини солиштириш натижасида дорихона мулкнинг ҳолати ва ўзгариш тенденциясини аниқлаш имкони яратилади. Бунда баланс бўлимларининг ўсиши дорихона фаолиятини кенгайтирилганлигини билдиради, яъни ижобий ҳолатдир, аммо, таҳлил жараёнида асосий воситалар нарҳини қайта ҳисобланганлиги ва инфляция жараёни албатта инобатга олиниши зарур.

Баланс бўлимларининг жами суммасида пасайиш тенденцияси кузатилса, бу салбий ҳолат бўлиб, дорихона айланма маблағлари етарли эмаслигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган тартибда биз, Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖнинг 2016-2017 йиллар учун бухгалтерия балансини молиявий натажалар бўйича ҳисоботларини иқтисодий таҳлил қилдик. Бунинг учун бухгалтерия балансини қайта ишлаб, жамланма баланс ишлаб чиқилди (2.7 жадвал)

2.7-жадвал

Жамланма баланс(млн.с)

Актив	2016 йил	2017 йил	Пассив	2016 йил	2017 йил
1.Айланмада			1.Ўз маблағлари		

бўлмаган воситалар:			• Устав капитали	3362,1	3930,0
• Асосий воситар	2378,5	3571,9			
2.Айланмадаги воситалар:			• Резерв капитали	387,1	412,8
• Захиралар	11224,5	13193,5	• Тақсимланма- ган фойда	600,9	6,9
• Дебиторлик қарздорлик	1430,7	805,6	2.Кредиторлик қарздорлик	9259,5	10543,6
• Кичиктирилган ҳаражатлар		1150,0			
• Пул воситалари	575,9	1172,3	Жорий мажбуриятлар	2000,0	5000,0
Баланс	15609,6	19893,3	Баланс	15609,6	19893,3

Жадвалдан кўриниб турибдики, баланснинг актив ва пассив қисмлари 2016 йилга нисбатан 4283,7 млн.сўмга ўсган. Бу ижобий ҳолат бўлиб, дорихоналар хўжалик фаолиятида ўсиш тенденцияси кузатилаётганини билдиради. Ушбу тенденция баланснинг қайси моддалари ҳисобига амалга оширилганини аниқлаш учун баланснинг горизантал таҳлилини ўтказдик (2.8- жадвал).

2.8- жадвал

Баланснинг горизантал таҳлили(млн.с)

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	Фарқи (%)
Актив			
1.Айланмада воситалар	бўлмаган		

• Асосий воситалар	2378,5	3571,9	1193,4 (33,4)
2. Айланма воситалар			
• Захиралар	11224,5	13193,5	1969 (14,9)
• Кечиктирилган харажатлар	- 1430,7	1150,0 805,6	1150 - 625,1
• Дебитор қарздорлик	575,9	1172,3	(77,5)
• Пул маблағлари			596,4 (50,8)
Баланс	15609,6	19893,3	4283,7 (21,5)
Пассив			
1. Ўз маблағлар			
• Устав капитали	3362,1	3930,0	567,9 (14,4)
• Резерв капитал	387,1	412,8	25,7 (6,2)
• Тақсимланмаган фойда	600,9	6,9	- 594 (86,0)
2. Жорий мажбуриятлар	2000,0	5000,0	3000 (60)
• Кредиторлик қарздор	9259,5	10543,6	1284,1 (12,1)
Баланс	15609 ,6	19893,3	4283,7 (21,5)

Горизонтал таҳлил учун одатда, бир ёки бир неча аналитик жадваллар ишлаб чиқилиб, абсолют сумма кўрсаткичларидан ташқари нисбий ўсиш суръатлари ҳам аниқланади. Горизонтал таҳлил ўтказишдан асосий мақсад, баланснинг алоҳида моддалардаги ўзгаришлар ва уларнинг нисбий ўсиш суръатларини аниқлаш ва унга баҳо беришдан иборатдир.

Жадвалдан кўриниб турибдики, баланснинг деярли барча бўлимларида ўсиш кузатилмоқда. Яъни айланмада бўлмаган воситалар 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 1193,4 млн.сўмга ўсган. Мутоносиб

равишда, пасивнинг устав капитали моддаси 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 567,9 млн.сўмга ўсган. Айланмадаги воситалар таҳлили куйидагиларни кўрсатди:

захиралар 1969,0 млн.сўмга;
кечиктирилган ҳаражатлар 1150,0 млн сўмга;
пул воситалари 596,4 млн.сўмга ўсган;
дебитор қарздорлик 625,1 млн.сўмга камайган.

Баланснинг актив қисми жами 4283,7 млн.сўмга ўсган. Бу ижобий кўрсаткич бўлиб, дорихоналар фаолиятида хўжалик жараёнларини кенгайганлигини кўрсатади. Баланснинг пасив қисмидаги ўзгаришлар куйидаги кўрсаткичлар ҳисобига ўсган:

устав капитали 567,9 млн.сўмга;
резерв капитали 25,7 млн.сўм;
таксимланмаган фойда 594,0 млн.сўмга камайган;
жорий мажбуриятлар 3000,0 млн.сўмга ўсган;
кредиторлик қарздори 1284,1 млн.сўмга ўсган;

Нисбий ўсиш суръатларининг таҳлили айланмада бўлмаган воситаларининг ўсиш суръати (33,4%) айланмадаги воситалар ўсиш суръати (14,9%)дан юқори эканлигини кўрсатди. Бу салбий ҳолат бўлиб, асосий воситаларнинг ўсиши савдо ҳажмининг ўсишига мутоносиб эмаслигини кўрсатади.

Ўз маблағларининг ўсиш суръати (14,4) жалб этилган маблағларнинг ўсиш суръатидан (12,1) юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир. Горизонтал таҳлил натижаларида ўз маблағларининг ўсиш суръати 2,3%га кўп. Бу ижобий ҳолат.

Дебиторлик ва кредитор қарздорликнинг ўсиш суръати, тахминан бир хил бўлиши керак. Горизонтал таҳлил натижалари бўйича дебиторлик қарзининг ўсиш суръати, кредитор қарздорлик ўсиш суръатидан анча юқори.

Ҳисоб рақаида пул воситалари қолдиғини ўсиши, ҳар доим ҳам дорихона фаолияти мувафоқиятли амалга оширилаётганини билдирмайди. Дорихона ҳисоб рақаидаги пул воситаларини самарали ишлатилишини таъминлаш учун молиявий қўйилмага жалб этилиши мақсадга мувофиқдир.

Баланс моддаларининг актив ва пасив бўлимларидаги улишини таҳлил қилиш учун, баланснинг вертикал таҳлилини ўтказиш зарур. Вертикал таҳлил қилишдан мақсад, активдаги ҳар бир элементни балансдаги улушини аниқлаш ва уни қоплаш учун пасивдаги модданинг улуши тўғрисида хулоса чиқаришдир. 3-жадвалда баланснинг вертикал таҳлили келтирилди.

Вертикал таҳлил натижасида баланс структурасида катта ўзгаришлар бўлмаганини кўриш мумкин. Энг катта улуш айланма воситаларига тўғри келиб, айланмадаги воситалар билан 15,2:71,9 нисбатни кўрсатмоқда. Бу ижобий ҳолат, баланснинг пасив бўлимидаги таҳлил жалб этилган маблағларнинг юқорилигини ва ўз маблағлари билан 19,7:53,0 нисбатда бўлишини кўрсатмоқда. Бу ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди. Шунингдек, 2016 йилда ўз маблағларнинг 1,9% кам бўлганини кўриш мумкин.

2.9 -жадвал

Баланснинг вертикал таҳлили

	2015 йил	2016 йил
Кўрсаткичлар		
Актив		
1.Айланмада бўлмаган воситалар		
• Асосий воситалар	15,2	18,0

2. Айланма воситалари		
• Заҳиралар	71,9	66,3
• Кечиктирилган харажатлар	-	5,8
• Дебитор қарздорлик	9,2	4,0
• Пул манбаалари	3,7	5,9
Баланс	100	100
Пассив		
1. Ўз маблағлар		
• Устав капитали	21,6	19,7
• Резерв капитал	2,5	2,0
• Тақсимланмаган фойда	3,8	0,03
2. Жорий мажбуриятлар	12,8	25,1
• Кредиторлик қарздорлик	59,3	53,0
Баланс	100	

Юқорида келтирилган таҳлил асосида дорихона муассасани тарақиёт динамикасини баҳолаш имкони туғилади.

Жаҳон амалиётида “Ташкилот иқтисодиётининг олтин қондаси” мавжуд бўлиб, у қуйидагича ифодаланилади:

$$\Phi > CX > A > 100\%$$

Бунда Φ - ташкилот фойдаси

$C-X$ – Савдо ҳажми

A – актив суммаси

Яъни:

ташкилот ялпи фойдасининг ўсиш суръати савдо ҳажми ўсиш суръатидан юқори, бу эса момала харажатларининг даражасини пасайишини кўрсатади;

савдо ҳажмининг ўсиш суръати актив суммасининг ўсиш суръатидан юқори, яъни, ташкилот ресурслари самарали ишлаётганини кўрсатади. Биз

ўтказган таҳлил натижасида фойданинг ўсиш суръати 6,6%, савдо ҳажмининг ўсиш суръати 5,1%ни ташкил қилмоқда, яъни фойдани ўсиш суръати савдо ҳажмини ўсиш суръатидан юқори, аммо, савдо ҳажмининг ўсиш суръати актив суммасининг ўсиш суръати (19,6%)дан паст. Бу эса, савдо ҳажмини асосий воситаларининг кўпайиши ҳисобига амалга оширилаётганини билдиради.

2.10 II. Боб бўйича ҳулосалар

- Таҳлил натижаларида савдо ҳажмининг ўсиши, тежамкорликнинг мавжудлигига қарамай рентабеллик даражаси пастлигини кўрсатади ва унинг ўртача ўсиш суръати савдо ҳажмини ўсиш суръатидан 5-6 маротаба кам эканлиги аниқланди. Янги технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш билан савдо ҳажмини кўпайтириш;
- Мавжуд асбоб ускуналарни техник томонидан такомиллаштириш ва модернизация қилиш ишларини жадаллаштириш;
- Асосий фонд таркибидаги асбоб ва ускуналар улушини кўтариш ҳисобига унинг структурасини яхшилаш;
- Дорихона ходимларининг малакасини ошириш ишларини тизимли йўлга қўйиш.

3 БУХОРО ВИЛОЯТИ “ДОРИ-ДАРМОН” МЧЖ МОЛИЯВИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

1. Бухоро вилояти “Дори-дармон”МЧЖ молиявий хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили натижалари

Молиявий хўжалик фаолиятининг самарадорлиги, фаоллиги ва рентабеллиги бўйича аниқланади.

2. Ишнинг фаоллигини аниқлаш ва уни такомиллаштириш йўллари

Иш фаоллигини аниқлаш дастлабки асосий ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги ва натижаларнинг таҳлилига қаратилган. Иш фаоллигини аниқлаш ташкилот камровида бўлган капитални бошқариш самарадорлигини аниқлашга келиб тақалади деб ҳисоблаш мумкин [17]

Моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни ишлатиш самарадорлиги (3.1- жадвалда) келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланиши мумкин.

3.1- жадвал

Иш фаоллигини аниқлаш 2016 йил

Кўрсаткичлар	Ҳисоб китоб тартиби	Ҳисобот шаклининг ҳисоб китоб натижалари (млн.сўмда)
Савдо ҳажми	-	45686,9
Соф фойда	-	3741,3
Меҳнат унумдорлиги	<u>Реализациядан тушган фойда</u> Рўйхат бўйича ўртача сони	$\frac{3741,3}{291} = 12,8$
Фонд қайтиши	<u>Реализациядан тушган фойда</u> Асосий воситаларнинг ўртача нархи	$\frac{3741,3}{3884,5} = 0,96$
Воситаларнинг айланмаси	<u>Реализациядан тушган фойда</u> Ўртача дебитор қарздорлик	$\frac{3741,3}{805,6} = 4,6$
Воситаларнинг айланмаси (кунлик)	<u>360 кун</u> Воситаларнинг айланмаси	1,21
Заҳираларнинг айланмаси	<u>Реализациянинг таннархи</u> Ўртача заҳира	$\frac{39604,8}{13193,5} = 3,0$

Заҳираларнинг айланмаси (кунлик)	<u>360 кун</u>	$\frac{360}{13193,5} = 0,03$
	Воситаларнинг айланмаси	
Кредитор қарздорлигининг айланмаси (кунлик)	<u>Ўртача кредитор қарздорлик · 360кун</u>	$\frac{10543,6 \cdot 360}{95,8} =$
	Реализациянинг таннари	39604,8
Операцион даврнинг давомийлиги	<u>Воситаларнинг айланмаси (кунлик)+</u>	-
	Заҳираларнинг айланмаси (кунлик)	
Дебитор қарздорлигини ёпиш коэффиценти	<u>Ўртача кредитор қарздорлик</u>	$\frac{805,6}{3741,3} = 0,2$
	Реализациядан тушган фойда	
Ўз капиталининг айланмаси	<u>Реализациядан тушган фойда</u>	$\frac{3741,3}{3930,0} = 0,95$
	Ўз капиталининг ўртача катталиги	
Ресурсларнинг қайтиши	<u>Реализациядан тушган фойда</u>	$\frac{3741,3}{17751,4} = 0,2$
	Баланс натижасининг ўртача катталиги	
Барқарор иқтисодий ўсишнинг коэффиценти	<u>Соф фойда</u>	$\frac{6 \cdot 9}{3930} = 0,001$
	Ўз капиталининг ўртача катталиги	

“Реализациядан тушган фойда” ва “Соф фойда” каби кўрсаткичлар авансланган капитални бошқариш самарадорлигини баҳолаш имконини беради. “Меҳнат унумдорлиги” кўрсаткичи меҳнат ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолайди. “Фонд қайтиши” кўрсаткичи асосий капитални бошқариш самарадорлигини баҳолайди. Айланма кўрсаткичлари айланма капитални бошқариш самарадорлигини баҳолайди.

Фойда ҳисобига бюджетнинг даромад қисми шаклланади. Бу солиқлар тизими ва ҳар бир дорихона муассаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар орқали амалга оширилади, яъни фойданинг тўртинчи функцияси амалга оширилади.

Тахлил натижасида ялпи даромад савдо ҳажмига нисбатан 13,3%ни, бўлиб, муомала харажатлари эса 12,2%ни ташкил қилгани аниқланди (2.3-жадвал).

Дорихонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида асосан, дорихона бошқа фаолиятидан ҳам даромад олган ва у 2015 йилда 1820,8 минг сўмни, 2016 йилда 2272,9 минг сўмни ва 2017 йилда 3260,7 минг сўмни ташкил қилган. Ушбу даромад ҳисобига муомала харажатлари ва молия харажатлари қопланган. Солиқ тўлангунга қадар, олинган фойда 2015 йилда 1319,8 минг сўм, 2016 йилда 1710,8 ва 2017 йилда 1169,4 минг сўмни ташкил қилган.

Солиқ ва йиғимлар тўлангандан сўнг, дорихона рентабеллик кўрсаткичи 2015 йилда 1,4 %, 2016 йилда 1,4 % ва 2017 йилда 0,015 % ни ташкил қилди.

Ўртача ўсиш суръати 2,9 %

3.2 Иқтисодий кўрсаткичларни такомиллаштириш йўллари

Товар айланмасини кўтариш манбаларига қуйидагилар киради:

1. Реализация қилинмаган маҳсулотнинг қолдиғини қисқариши қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- талаби бўлмаган товарларни аниқлаш;
- товар ўтказадиган тизимнинг такомиллаштириши;
- савдо ташкилини яхшилаш.

2. Меҳнат ресурсларини ишлатишни яхшилаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- иш вақти йўқотишларини камайтириш;

- дорихона иши жадвали ўзгариши;
- меҳнат унумдорлигини кўтариш;
- ходимлар сонининг кўпайиши.

3. Асосий фондларни ишлатишни такомиллаштириш:

- савдо майдонини ишлатишнинг самарадорлигини ошириш;
- хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари киритиш;
- замонавий савдо хизмат кўрсатишдан фойдаланиш.

Шундай қилиб, товар айланмаси омиллар мажмуи таъсири натижасида шаклланади.

Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖ муомала харажатларининг таҳлили ушбу кўрсаткичнинг юқори режалаштирилганлигини кўрсатади, бунинг натижасида Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖнинг рентабеллиги таҳлил қилинаётган давр давомида ўртача ўсиш суръати 12,3%ни ташкил қилди (2.3- жадвал).

Шундай қилиб, тежаш тадбирларини ишлаб чиқиб, унумдор бўлмаган харажатлар ва йўқотишларни йўқотиб, Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖ фаолиятининг турли миқдорий ва сифат кўрсаткичлари орасида тўғри нисбатларни ўрнатиш лозим.

Тежаш режими – бу олинадиган фойдали натижага нисбатан моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари харажатларини режа бўйича қисқартиришнинг шакллари ва усуллари тизимидир.

Тежаш режимиға йўналтирилган тадбирларни бажариш муомала харажатлари даражасининг пасайишини таъминлайди. Бу кўрсаткичлар қуйидагиларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлишлари мумкин:

- савдо технологик жараёни;
- товар айланмаси тузилмасини ва товар захираларини нормага келтиришни;
- корхонавий моддий техник базасини ишлатишни;
- меҳнат ташкилини ва тўловини.

Масалан, дорихона барқарор нарх сиёсати, товарларнинг кенг ассортименти, товар айланмасида қисқа айланма даврига ва кам ҳаражат ҳажмли товарлар умумий товар айланмаси қийматини оширади ва натижада Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖнинг муомалар ҳаражатлари тежалади.

Таҳлил ўтказилаётган даврда тежамкорлик 2016 йилда 13,4 минг сўмни ва 2017 йилда 17,9 минг сўмни ташкил қилган.

Ускуналарнинг рационал жойлашиши, қўшимча иш жойларини ташкил қилиш, дорихона муассаси ишининг оптимал иш режимини танлаш товар айланмаси, фонд қайтишининг кўтарилишига ва муомала ҳаражатларининг камайишига олиб келади.

Муомала ҳаражатларининг муҳим тежаш заҳираларидан бири унумдор бўлмаган ҳаражатларни камайтиришдир. Бу ҳаражатларни камайтириш бўйича асосий тадбирлар қуйидагича: товар ҳаракати йўллари қисқартириш, товар айланмасини тезлаштириш, дорихона ассортименти товарларини етказиб бериш тизими, сақлаш ва реализациясини яхшилаш.

Шунингдек, меҳнатни меъёрлаш, оптимал штат жадвалини ишлаб чиқиш, меҳнатнинг охирги натижаларида ходимларни қизиқтира оладиган моддий рағбатлантириш тизимини танлаш ва ўртача ойлик маошидан меҳнат унумдорлигини ошириш тезлигини таъминлаш каби тадбирлар меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатларини нисбатан пасайтира олади.

3.3 Тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш ва уни такомиллаштириш йўллари

Оптималлаштиришга йўналтирилган ҳаражатларни бошқариш стратегик модели фойда, товар айланмаси ва ҳаражатларнинг қуйидаги пропорциясини назарда тутди: $T_n > T_p > T_{и.о.}$ қаерда T_n T_p $T_{и.о.}$ - фойда, товар айланмаси ва муомала ҳаражатларининг ўсиши тезликлари.

Иқтисодий кўрсаткичларининг фақатгина шундай нисбати муомала харажатлари даражасини пасайишини ва уларни ишлатиш самарадорлигини оширишини таъминлайди.

Дастлабки активларда молиявий ресурслар тўхтаганини ифодаладиган умумий кўрсаткич бу операцион циклнинг давомийлик кўрсаткичи. У пул воситаарини дастлабки ишлаб чиқариш фаолиятига киритгандан нечи кун ўтганини уларнинг ҳисоб рақамига фойда шаклида қайтганини ифодалайди. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш фаолияти турига боғлиқ, унинг пасайиши – корхонанинг ички хўжалик масалаларидан асосийси ҳисобланади. Аммо, Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖда бу кўрсаткич ўсиб бормоқда (7 жадвал).

Алоҳида ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ифодаладиган кўрсаткичлар ўз капиталининг ва асосий капиталнинг айланмаси кўрсаткичларида ифодаланади, улар қуйидаги воситаларнинг қайтаришини ифодалайдилар: а) мулкдор воситаларини; б) барча воситаларни, шу жумладан киритилганларни ҳам. Ушбу коэффициентлар орасидаги фарқ ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш учун оланган воситалар даражаси билан шартланади [1].

Дорихона муассаси учун ижобий йўналиш сифатида капитал айланмасининг тезлигининг ошиши, айланма капитални ишлатишнинг самарадорлигини ошириш эса дорихона муассаси ходимлари учун асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Айланма капиталнинг босқичларига биноан, унинг айланмасини тезлаштириш учун учта йўналишни ажратиш мумкин:

1. Таъминлаш босқичида – хомашё, материаллар ва бошқа ресурслар сарфининг меъёрини ўрнатиш, таъминотчилар билан ҳисоб китобларни такомиллаштириш;

2. Ишлаб чиқариш босқичида – маҳсулот материали ва қувватини пасайтириш, тара заҳираларини минимизациялаш [6].

3. Реализация қилиш босқичида – сотиш ҳажмининг ошишини захиралар ҳажми ошишидан тезроқ амалга ошишини таъминлаш, тарайиғиш ва сақлаш жараёнларини тартибга солиш, товар ҳаракатини такомиллаштириш ва савдони ташкил қилиш, истеъмолчилар билан ҳисоб китобларни такомиллаштириш, фойда инкассацияси ҳисобига пул воситалари айланмасини тезлаштириш, дорихона муассасалари кассаларида пул қолдиқларини жиддий текшириб бориш [10].

Корхона ресурсларини ишлатиш унумдорлигини ва унинг ривожланиш динамикасини умумлаштирувчи кўрсаткичларига ресурс қайтиши ва иқтисодий ўсишининг барқарор коэффиценти киради.

Ресурс қайтиши (авансланган капитал айланмасининг коэффиценти) корхона фаолиятига киритилган бир сўмга реализация қилинган маҳсулот ҳажмини ифодалайди. Динамикада бу кўрсаткичнинг ўсиши яхши йўналиш сифатида кўриб чиқилади. Бухоро вилояти “Дори-дармон”МЧЖда ресурс қайтишининг ўсиши - 0,5, яъни камаймоқда. Бу салбий ҳолат.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор коэффиценти келажакда корхона қандай тезликда ривожланишини кўрсатади.

Таҳлил натижалари Бухоро вилояти “Дори-дармон”МЧЖ фаолиятига киритилган ҳар бир сўмга 0,2 сўм.товар айланмаси тўғри келишини кўрсатади (10 жадвал). Агар Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖ ўз иқтисодий сиёсатини ўзгартирмаса, унинг ривожланиш тезлиги салбий бўлади ($0,1 < 1$).

3.4 Рентабелликни баҳолаш ва уни такомиллаштириш йўллари

Ушбу бўлимнинг асосий кўрсаткичларига авансланган капиталнинг рентабеллиги ва ўз капиталининг рентабеллиги киради, ҳар бири бир сўм авансланган капиталга неча сўм фойда тўғри келишини белгилайди (3.2 жадвал).

Рентабелликни баҳолаш

Кўрсаткичлар	Ҳисоб китоб тартиби	Ҳисоб китоб натижалари
Соф фойда	Баланс фойдаси – бюджетга тўловлар	6,9
Айланманинг рентабеллиги	<u>Сотувлардан тушган фойда</u>	480,7
Маҳсулотнинг рентабеллиги	<u>Сотувдан тушган фойда</u> Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш харажатлари	0,08
Умумий капиталнинг рентабеллиги	<u>Соф фойда</u> Ўртача баланс натижаси – нетто	0,02
Ўз капиталининг рентабеллиги	<u>Соф фойда</u> Ўз капиталининг ўртача қиймати	0,12
Ўз маблағларини коплаш муддати	<u>Ўз капиталининг ўртача қиймати</u> Соф фойда	8,1

Жадвалдан кўриниб турибдики, соф фойданинг режалаштирилган суммадан камлиги ҳисобига, барча кўрсаткичлар камайиб кетган.

Сотувларнинг рентабеллиги ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятининг самарадорлигини ифодалайди, чунки 1 сўм сотувда фойда қийматини кўрсатади. Сотувлар рентабеллиги кўрсаткичининг ижобий қиймати асосий фаолиятнинг самарадорлигини ифодалайди. Бухоро вилояти “Доридармон”МЧЖда у салбий қийматга эга.

Корхона рентабеллиги 2015 йилда 0,4% ва 2016 йилда 1,4% ва 2017 йилда 0,015%ни ташкил қилади, яъни ўсиш суръати пастлигини кўрсатади.

Корхона рентабеллигининг ошиши доимий ҳаражатлар шароитида нархларнинг ошиши ёки доимий нархларда реализация ҳаражатларининг пасайиши натижасидир. Ушбу кўрсаткичнинг пасайиши доимий ҳаражатлар натижасида нархларнинг пасайиши ёки доимий нархларда реализация ҳаражатлари ўсиши, яъни дорихона муассасаси реализация қилаётган товарларга талабнинг пасайиши натижасидир.

Капиталнинг рентабеллиги – бу ялпи ёки соф фойданинг барча инвестиция қилинган капитал нархига ёки унинг таркибий қисмларига яъни ўз (акционер), олинган, асосий, айланма капиталга бўлган нисбати.

Бу кўрсаткич ҳар бир инвестиция қилинган капитал сўми қанақа фойда беришини ифодалайди.

Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖда бу кўрсаткич 0,12 ни ташкил қилади, яъни ҳар бир инвестиция қилинган капитал сўмига 0,12 сўм фойда тўғри келади.

Капитални қоплаш муддати – бу капиталнинг соф фойдага бўлган нисбати. Бу кўрсаткич молиявий-хўжалик фаолиятнинг ўзгармас шароитларида ушбу корхоналарга киритган воситалар нечи йилда қайтишини аниқлайди.

3.2- жадвалдан кўриниб турибдики, киритган воситаларнинг қоплаш муддати, ўзгармас шароитларида 8 йилни ташкил қилади. Бу ҳодиса молиявий хўжалик фаолиятининг беқарорлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Бухоро вилояти “Дори-дармон” МЧЖни молиявий соғломлаштириш бизнес режасини “хавфли зонадан” олиб чиқиш ва инқирозга учрашини олдини олиш мақсадида ички ва ташқи захиралар ёрдамида ишлаб чиқиш даркор.

Айланмага ташқаридан воситаларни киритишга қуйидагилар киради: факторинг, лизинг, кредиторларни жалб қилиш, янги акция ва облигацияларни ишлаб чиқариш.

Дорихона муассасасини молиявий соғломлаштиришнинг асосий ва долзарб йўналишларидан бири бу асосий фаолиятни фойдасини ошириш

учун ички захираларни жалб қилиш: дорихона муассаси ишлаб чиқиш қувватини тўлиқроқ ишлатиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни рационал ишлатиш, унумсиз харажатлар ва йўқотишларни қисқартириш.

Дорихона муассаси молиявий ҳолатининг захиралари талаб ва таклифни маркетингли таҳлили, тарқатиш бозорлари ва шу асосида оптимал ассортимент шакллаш орқали аниқланиб олинади.

III боб бўйича хулосалар.

1. Бухоро вилояти “Дори-дармон”МЧЖ молиявий-хўжалик фаолияти натижасида товар айланмасини ошириш захиралари, муомала харажатларини тежаш манбалари, капитал айланмасини тезлаштириш йўллари, асосий фондларни рационал ишлатиш ва фойда ва рентабелликни ошириш манбалари аниқланди.

2. Бухоро вилояти “Дори-дармон”МЧЖ молиявий – хўжалик фаолияти натижалари асосида молиявий-хўжалик фаолиятни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Хулоса

Бухоро вилояти “Дори-дармон”МЧЖга қарашли дорихоналар мосолида ташкилотнинг савдо молиявий фаолияти таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларида унинг фаолиятига баҳо берилди ва фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан:

1. Таҳлил натижаларида савдо ҳажмининг ўсиши, тежамкорликнинг мавжудлигига қарамай рентабеллик даражаси пастлигини кўрсатади ва унинг ўртача ўсиш суръати савдо ҳажмини ўсиш суръатидан 4-5 маротаба кам эканлиги аниқланди.
2. Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти ҳисобот даври бошига 0,53 ва ҳисобот охирига 0,51 ни ташкил этади. Ушбу коэффициент қанчалик 1,0га яқин бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида шунча янги асосий воситалар ишлатилаётганини билдиради. Таҳлил натижасида Бухоро вилояти “Дори-дармон”МЧЖда асосий воситаларни янгиланиш динамикасида силжиш пасайиши ҳисобига бўлаётгани аниқланди.
3. Асосий воситаларни ишлатилиш самарадорлиги ва сиғим коэффициенти ҳисобот йилининг бошига нисбатан кўпайган (фондоемкость) 0,004га кўпайган. Бу ижобий тенденция бўлиб, асосий воситаларни ишлатиш самарадорлиги талаб даражасида эканлигини билдиради.
4. Балансинг актив ва пассив қисмлари 2016 йилга нисбатан 4283,7 м.сўмга ўсган. Бу ижобий ҳолат бўлиб, дорихоналар хўжалик фаолиятида ўсиш тенденцияси кузатилаётганини билдиради.

ТАВСИЯЛАР:

1. Товар-моддий бойликларни савдо майдонига жойлаштиришда харидорларга кўринадиган, ёруғ ҳамда ассортимент турли категориядаги (нафақахўрлар, яхши таъминланган ва бошқалар) харидорларга мослаштирилган бўлиши керак.

2. Савдо майдонининг кенгайтирилиши, ишлаб чиқарувчилар томонидан рецепсиз сотиладиган дори воситалар рекламасини жойлаштириш имконини кўрсатади, бу эса ўз навбатида бевосита рентабелликни кўтарувчи омиллардан биридир.
3. Дорихоналар жойлашган ҳудудлардаги даволаш профилактика муассасалари билан ҳамкорлик ишлари, дорихоналар ассортиментини шакллантиришга ва товар-моддий бойликлар айланмасини тезлаштиришга талаб қилади.
4. Ходимлардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширади ва муомала ҳаражатларини тежайди. Тизимли равишда ходимларни замонавий талаблар бўйича (мерчандайзинг, савдони фаоллаштириш, савдо технологияси) малакасини оширишни ташкил қилиш, дорихонага келаётган харидорлар оқимига ижобий таъсир кўрсатади.
5. Янги технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш билан савдо ҳажмини кўпайтириш.
6. Мавжуд асбоб ускуналарни техник томонидан такомиллаштириш ва модернизация қилиш ишларини жадаллаштириш.
7. Асосий воситалар таркибидаги асбоб ва ускуналар улушини кўтариш ҳисобига унинг структурасини яхшилаш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 25 апрел)

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2. I бобдаги ҳамма қарор, фармон, фармойишлар

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

3. Ислом Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”
Тошкент – “Ўзбекистон” – 2012. 439 Б.

IV. Асосий адабиётлар

4. Умарова Ш.З. Тоиров Х.В. Дорихоналар фаолиятининг иқтисодий тахлили/ фармацевтика журнали. –Ташкент, 2016. – № 3 –С. 8-11.

5. Баканов М И Экономический анализ в торговле/ М. И .Баканов.- М. Финансы и статистика, 2004. -400 с.

6. Зверева Е. С. Определение численности работников аптечных учреждений (предприятий) и совершенствование организационной структуры их управления на основе нормирования труда// Новая аптека.- 2003.- 12.-С.45-64.

7. Лебедева С.Н. Экономика торгового предприятия/ С.Н.Лебедева.- Минск Новое знание, 2002.-240с.

8. Томпсон А. Экономика фирмы/А. Томпсон, Дж.Формби пер.с англ.-М.:Бином, 1998.-544с.

9. Б.Ж.Хакимов, Б.Б.Алимов У.А.Холмирзаев А.Х.Пулатов. Иқтисодий тахлил назарияси. 2012-78с.

10. Баканов М.И. Экономический анализ в торговле/М.И.Баканов.- М.:Финансы и статистика, 2004.-400с.

11. Каримов.А. Исмонов Ф//Иқтисодиёт назарияси//Тошкент-2000 5-бет.

12. Чернов В.А. // Экономический анализ//Москва-2003 76стр.

13. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М. Ю. / /Молиявий тахлил// Тошкент- 2004, 27-бет.

14. Савицкая Г.В. // Экономический анализ// Москва-2004.стр 4-19

- 15.Абдуллаев Е Ибрагимов А.Рахимов М//Иктисодий тахлил-100 савол ва жавоб// Тошкент-2001. 11-бет
- 16.Пардаев М.Қ. //Иктисодий тахлил// Тошкент-2004. 13-19бет
- 17.Шерембаева Ф.А.123-сон/Дорихона фаолиятининг иктисодий тахлили/ Тошкент-2003. 90бет
- 18.Тошмухамедов Э//Фармация иктисодиёти менежмент фанидан маърузалар матни. Тошкент.
- 19.Иохин В.Я. // Экономическая теория.Учебник.-М.: Экономист ,2005, 861с.
- 20.Бустонова У.И. Жиззах вилояти 1-сонли дорихонанинг фаолиятининг иктисодий тахлили.Тошкент-2008.67-б.
- 21.Управление и экономика фармации:Учет в аптечных организациях оперативный бухгалтерский налоговый под реакции Лоскутовой Е.Е.Москва-2004.стр.338-358.
- 22.Экономическая теория. Учебник. /Под.ред.Грязновой А.Г. , Чечелевой Т.В. ,-М.: Экзамен.2004, 592с
- 23.Курс экономическая теория. Учебное пособие,2-е изд.перераб.и доработан. / Под.ред.проф.А.В. Сидоровича.-М.: изд.Дело и сервис.2001.
- 24.Липсиц И.В. Экономика. Учебник для вузов.-М.:Омега К.2004,656с.
- 25.Экономическая теория(Политэкономия). Учебник. /Под.обх.ред.акад.Видяпина В.И. акад.Журавлева Т.П. Учебник.4-е издание.-М.:ИНФРА-М.2004,640с.
- 26.Царев В.В. Внутрифирменное планирование/В.В.Царев.- СПб.:Питер,2002.-366с.
- 27.Куликов Л.М. Экономическая теория. Учебник.-М.:ТК Велби.''Проспект ''2005.432с.
- 28.Борисов Е.Ф.Экономическая теория. Учебник.-М.:ТК Велби.''Проспект ''2005.544с.

- 29.Экономическая теория. Учебник. Под.ред. В.И. Видяпина-М.:ИНФРА.М.2005,672с.
- 30.Миролимов М.М. , Садикова Н.А. Шифохона дорихоналари дориларини иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари. //Б.130-131. //Фармацияда таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари//илмий-амалий анжуман материаллари.Тошкент-2009.Б.130-131.
- 31.Исламова М.З. //Даврон хусусий дорихонасининг рентабеллиги тахлили. Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари//илмий-амалий анжуман материаллари.Тошкент-2009.Б.147.
- 32.Исламова М.З. //”Бахром” хусусий дорихонасининг солиқ тахлили. Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари//илмий-амалий анжуман материаллари.Тошкент-2009.Б.148.
- 33.Хилоятова З.Ш. // ”Jas-Bob-Shoh” хусусий дорихонасига қарашли дорихонанинг иқтисодий тахлили. Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари//илмий-амалий анжуман материаллари.Тошкент-2009.Б.
- 34.Организация и экономика фармации в аптеке,под.ред.Косовой И.В.2004,стр.357.-2000.Б.24-27.
- 35.Саидова М.Я. . //”Наманган-дори-дармон” акциядорлик жамиятига қарашли Дорихона ходимларининг меҳнат унумдорлиги тахлили. Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари//илмий-амалий анжуман материаллари.Тошкент-2009.Б.150.
- 36.British Pharmacopoeia. Monographs: Medicinal and Pharmaceutical Substances.- London, 2007.r Vol.I,II.-3с.
- 37.European Pharmacopoeia.-Sainte-Ruffm, 1997.-P.1487.

38.The Pharmacopoeia of Yapan.-Tweefth edition (English version).- Yapan, 1991.-P.258.

39.The Uniated States Pharmacopeia. The National Formulary. USP XXIV. Twinbrook Parkway, Rockvill M.D., 2000.-P.546.

40.ГОСТ 12.1.005-88 “Иш зонасидаги ҳавога нисбатан қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари”

41.ГОСТ 2874-82 “Истеъмол суви. Гигиена талаблари ва сифат назорати”.

42.ГОСТ Р 50766-95 “Тоза хоналар. Таснифлаш. Аттестация услуги. Асосий талаблар” М.Госстандарт России. 1995.

43.ОСТ 42-504-96. “Саноат корхоналари ва ташкилотларда дори воситалари сифат назорати. Асосий қоидалари”.

44.ОСТ 42-505-96. “Табиий саноат маҳсулотлари. Ишлаб чиқариш технологик регламентлари. Мазмуни, яратиш тартиби, келишиш, тасдиқлаш”

45.ОСТ 42-506-96. “Дори воситалари ва доривор ўсимлик хом ашёлари учун меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби”.

46.ОСТ 42-507-96. “Янги дори воситаларини яратиш ва саноатда қўллаш бўйича ишларни ташкил қилиш тартиби. Асосий қоидалар”.

47.Продукция медицинской и микробиологической промышленности. Технологические регламенты производства. Содержание, порядок разработки, согласования и утверждения. Отраслевой стандарт. Tst 19-02: 2003. 73 с.

48.Стандарты качества лекарственных средств. Основные положения. Отраслевой стандарт. Tst 42-01:2002. 54 с.

49.Яхши ишлаб чиқариш амалиёти қоидалари (GMP). Тармоқ стандарти Tst 19-01:2003. 60 бет.

V. Қўшимча адабиётлар

50.Губин М.М. Технология лекарств по GMP. Калуга. 2011. 222 С.

51.Каталог технологического оборудования химико-фармацевтической промышленности. Учебное пособие для студентов дневной и заочной формы обучения специальности «Технология фармацевтических препаратов». Винница. НОВА КНИГА, 2010. 266 С.

52.Производство лекарств по GMP (Сборник статей). Москва. 2005. «Медицинский бизнес» 344. С.

53.Промышленная технология лекарств /Под ред. Проф. В.И. Чуешова. Том 2. Харьков. 2002. 398 с.

54.Теоритические основы технологии лекарственных средств. Учебное пособие. Береговых В.В., Сапожникова Э.А., Джалилов Х.К. и др. Ташкент 2011. 244 с.

55.Федотов А.Е. Основы GMP. Производство лекарственных средств. «Москва. 2012. Асинком» 576С.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар

56.Алимова М.Н. Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлашнинг аҳволи: муаммолар ва ечимлар // Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, - 2011. - №4. - С. 9-12.

57.Ариыстанов Ж.М. Инновационный тип развития фармацевтических организаций и предприятий // Kimyo va farmatsiya. - Тошкент, - 2002. - №3. - С. 24-27.

58.Береговых В.В, Пятигорская Н.В., Спицкий О.Р., Ногаева А.Т., Пичугин В.В. Досье предприятия (производственного участка) // Фармацевтическая промышленность – 2010. - № 4. - С.68-80.

59.Ботирова З.Б.Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш – ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили // Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, - 2011. - №4. - С. 4-9.

60.Жалилов Х.К. Дори воситалари муомиласининг бугунги кундаги ҳолати ва истиқболлари // Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, - 2011. - №4. - С. 12-17.

61.Ибрагимова М.Я. Нормативное регулирование рекламы лекарственных средств в Республике Узбекистан // Фармацевтический журнал. – Ташкент, - 2011. - №4. - С.29-32.

62.Молдавер Б.Л. Взгляд через призму GMP на изготовление лекарств в аптеке // Фарматека. – 2005. - №2

63.Нифантьев О.Е. Основные принципы инспектирования систем качества. // Фарматека. – 2004. - №1 (37)

64.Ногаева А.Т. Особенности организации производства и контроля качества при производстве лекарственных средств из растительного сырья // Тезисы докладов межвузовской научной конференции студентов и молодых ученых «Фармация в XXI веке: Эстафета поколений». – С-Пб., 2009.– С.145-146.

65.Ногаева А.Т., Береговых В.В. Особенности организации производства и контроля качества лекарственных средств из растительного сырья // Сборник материалов Тезисы докладов XVII Российского национального конгресса «Человек и лекарство» – М.- 210 - С.692.

66.Пятигорская Н.В., Ногаева А.Т. О единстве в системы обеспечения качества и технологических документов в производстве лекарственных средств // Тезисы XI международного конгресса «Здоровье и образование в XXI веке. Научные и прикладные аспекты концепции здоровья и здорового образа жизни» – М.-, 2010.– С.157.

67.Пятигорская Н.В., Ногаева А.Т. Современные требования к специалистам, работающим в сфере производства лекарственных средств из растительного сырья //Сборник научных трудов Приложение к журналу Традиционная медицина - 2010.- № 3(22). - С.205-210.

68.Пятигорская Н.В., Ногаева А.Т., Береговых В.В. GMP для производства лекарственных препаратов из растительного сырья // Фармация – 2010. - № 4. - С.34-37.

69.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, - 2010. - №3. - С. 3.

70.Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида // Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, - 2009. - №3. - С. 4.

71.Шодиев Қ.Қ. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатининг ривожланиши // Farmatsevtika jurnali. - Тошкент, - 2004. - №1. - С. 5-7.

72.Юнусходжаев А.Н. Фармацевтический сектор Узбекистана. Состояние и перспективы // Фармацевтический журнал. – Ташкент, - 2011. - №1. - С.3-6.

73.Юнусхўжаев А.Н. Фармацевтик илмий фаолият ва таълим масалалари // Farmatsevtika jurnali. - Тошкент, - 2004. - №1. - С. 7-9.

74.Юнусхўжаев А.Н., Зайнутдинов Х.С. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари // Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, - 2011. - №4. - С. 17-22.

VII. Интернет сайтлари

75.<http://uza/uz/society/23772/>

76.[http://www.lamsystems-ito.ru/Otechestvennie
texnologii chistix
pomesheniy dlya visokogo kachestva farmpreparatov.](http://www.lamsystems-ito.ru/Otechestvennie_tehnologii_chistix_pomesheniy_dlya_visokogo_kachestva_farmpreparatov.)

77.<http://www.promis.ru/validatsiya>


78.[www.gmpnews.ru/lekarstvo po gmp/
substansii.html](http://www.gmpnews.ru/lekarstvo_po_gmp/substansii.html)

79.[www.ima.it/proizvodstvo
tverdix lekarstvennix form iz
visokotoksichnix substansii.](http://www.ima.it/proizvodstvo_tverdix_lekarstvennix_form_iz_visokotoksichnix_substansii.)

80.[www.medbusiness.ru/ trebovaniya po gmp/](http://www.medbusiness.ru/trebovaniya_po_gmp/)

81. www.process-worldwide.com/tabletochni_prosess

82. www.ria.ru/gmp.html



(левоцетиризин) составило 1 377 000 сумов, расходы на лечение зарубежным лекарственным препаратом «Л-Цет®», 5 мг, №10, таблетки (левоцетиризин) – 1 382 000 сум. При лечении болезни поллиноз прямые затраты снизились на 5000 сум.

Ключевые слова. Поллиноз, заболевание, сравнительный, оптовые цены, затраты, прямые, косвенные, анализ стоимости болезни, левоцетиризин, лекарственные средства.

N.D. Suyunov, M.Z. Islamova

PHARMACOECONOMIC STUDIES OF DRUG CONSUMPTION USED IN POLLINOSIS DISEASE

On the basis of analysis in the Republican Specialized Research Center of allergology the «cost of illness analysis» cost of treatment with domestic drug «Allertsetin ATM®» 5 mg, № 10 tablets (levocetirizine) totaled 1 377,000 sums, the cost of treatment with foreign drug «L-Tset®» 5 mg, №10 tablets (levocetirizine) – 1 382 00 sums. In the treatment of pollinosis direct costs decreased by 5,000 sums.

Keywords. Pollinosis, disease, comparative wholesale prices, costs, directly, indirectly, cost of illness analysis, analysis, levocetirizine, drugs.

Тошкент фармацевтика
институту

20.04.2017 й.
кабул қилинди

УДК: 615.15

Ш.З.Умарова, М.Пардаева, Х.Таиров

ДОРИХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Дорихона фаолиятининг самарадорлиги, унинг молиявий таъминоти билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, молиявий ҳолатининг узлуксиз назорати, дорихона рентабеллигини қўтарилиши ва фаолият самарадорлигини оширишга сабаб бўлади.

Шу муносабат билан, Тошкент вилояти “Дори-дармон” АЖ мисолида бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар бўйича ҳисоботи таҳлил қилинди. Таҳлил учун жамланма баланс ишлаб чиқилди ва унинг горизонтал ва вертикал таҳлиллари ўтказилди. Таҳлил натижалари асосида фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар тайёрланди.

Таянч иборатлар: иқтисодий таҳлил, бухгалтерия баланси, молиявий ресурслар.

Дорихонанинг иқтисодий фаолияти келиб тушаётган пул оқими яъни молиявий ресурслар ёрдамида амалга оширилади. Молиявий ресурслар деганда, дорихона эҳтиёридаги пул маблағлари тушунилади. Молиявий ресурслар дорихона фаолиятининг фаоллигини, молиявий мажбуриятларнинг тўловларини ва дорихона ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш учун ишлатилади. Пул маблағларининг асосий функцияси савдо хажмининг ўсишини, хўжаликда узлуксиз айланишни таъминлаш ва унинг нагжасида асосий фаолиятдан даромадни қўпайтиришга йўналтиришдан иборат. Асосий воситаларни кенгайтириш учун қўйилган молиявий маблағлар асосий капитал деб юритилади, айланма маблағлар учун қўйилган молиявий ресурслар эса, айланма капитал деб аталади. Асосий капиталга қўйилган маблағ, асосий воситалар иш унумдорлигини кенгайтириш шароитини яратиш ва айланма капитал маблағи сав-

до хажминини товар моддий бойликларни сотиб олиш учун ишлатилган маблағдан устунлигини таъминлаш лозим.

Дорихона муассасаларининг молия маблағлари асосан назорат қилиш ва тақсимлаш функциясини бажаради.

Тақсимлаш функцияси – дорихонанинг пул воситаларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашга йўналтирилган фаолияти бўлиб, дорихона истикболи режасига биноан, пул воситаларининг маълум бир мақсад учун турли хил молиявий фондларни ташкил қилиш учун тақсимланади. Жумладан, қуйидаги фаолиятни пул маблағлари билан таъминлаш тақсимотини бажаради:

- асосий хўжалик фаолиятини;
- асосий воситаларни ишлаб чиқариш фаолиятини;
- ходимларни моддий рағбатлантириш;
- дорихонани ижтимоий ўсиш фаолиятини;

сий воситаларининг кўпайиши ҳисобига амалга оширилаётганини билдиради.

Хулоса:

Тошкент вилояти “Дори-дармон” АЖга қарашли дорихоналар мисолида ташкилотнинг

молиявий фаолияти таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларида унинг фаолиятига баҳо берилди ва фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Адабиётлар:

1. Ласкутова Е.Е. Экономика аптечных организаций: учеб./Под общ. рук. Е.Е.Ласкутовой – М: Академия, - 2008. – 428 с.
2. Умарова Ш.З. Таиров Х.В. Дорихоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлили/ фармацевтика журналы.-Ташкент.- 2016.-№3.-С.8-11.

Sh.Z.Umarova, M.Pardaeva, X.V.Tairov

ANALYSIS OF THE PHARMACY FINANCIAL CONDITION

The effectiveness of pharmacy activity is directly dependent on its financial situation. Also it can be cause to uninterrupted monitoring the state of the financial situation, raising of pharmacy rentability and increasing effectiveness of activity.

In this regard “Dori-Darmon” JS, Tashkent region report of accounting balance and financial results were analysed. For the analysis, balance collection was developed and its horizontal and vertical analysis was carried out. According to the results of analysis, a proposal has been developed for the effective use of financial resources.

Key words: economic analysis, accounting balance, financial resources

Ш.З.Умарова, М.Пардаева, Х. В.Таиров

АНАЛИЗ ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ АПТЕЧНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ

Эффективность деятельности аптек непосредственно зависит от их финансового состояния. Контроль за состоянием финансового положения обеспечивает эффективность деятельности и повышение рентабельности аптечного учреждения. В связи с этим нами проведен экономический анализ бухгалтерского баланса и отчета о финансовых результатах АО «Дори-дармон» Ташкентской области. С этой целью разработан уплотненный баланс аптечного учреждения и проведены горизонтальный и вертикальный анализы финансового положения. По результатам анализа разработаны предложения для эффективного использования финансовых ресурсов.

Ключевые слова: экономический анализ, бухгалтерский баланс, финансовые ресурсы.

Тошкент фармацевтика
институты

20.04.2017 й.
қабул қилинди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**



1937-2017

80

**ФАРМАЦИЯ: ФАН, ТАЪЛИМ,
ИННОВАЦИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ (ХАЛҚАРО ИШТИРОКДА)
МАТЕРИАЛЛАРИ**



**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«ФАРМАЦИЯ: НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ,
ИННОВАЦИИ И ПРОИЗВОДСТВО»
(С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)**

дармонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги давонлар декабрдаги 539-сонли буйруғи яъни, республика Соғлиқни сақлаш тизимидаги давонлар профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш ишларини яхшилаш, дори воситаларини харид қилиш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва аҳолига кўрсатилаётган даволаш-профилактика ёрдамнинг сифатини яхшилашга эришиш мақсадидаги ушбу буйруқга амал қилган ҳолда, Республика шўшилнч тиббий ёрдам маркази Фарғона филиали дорихонаси мисолида бир қатор изланишлар олиб борилмоқда.

Натижалар: Бу марказда беморларни даволаш учун буюртмаларни тайёрлашда йил давомида ишлатиладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари эҳтиёжи, йиллик ажратилаётган бюджет маблағлари ишлатилиши, ҳар бир бемор учун ўртача ўрин-кун микдорида дори воситалари таъминотчилар томонидан сотиб олинган дори-дармон, тиббиёт буюмлари микдори ҳамда ўтган йиллик буюртмаларни неча фоизга бажарилгани таҳлил этилади. Бу эса ўз навбатида вақт ва мажбуриятни талаб этади. Бу ишлар дорихона бўлимларидаги жавобгар шахсларни, шифохона бўлимидаги ҳамшира ва катта ҳамшираларни кўп вақтини, бухгалтерияни эса қоғоз ишлари билан шугулланишига мажбур этади, бемор эса, тавсия этилган дори воситалари муолажаларини вақтида олмайди.

Хулоса: Ишларни амалга оширишда Республика шўшилнч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали ходимлари билан биргаликда ташкил этилган «EXTERNET» компьютер тармоғи орқали беморларга дори-дармон тавсияси, уларни тасдиқлаш ҳисоб варақаларини олиш ҳисоботлари, дори воситаларининг қирим-чиким ҳолатини такомиллаштириш борасида ишларни амалга оширилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 583-модда, 2016 й., 52-сон, 599-модда; 2017 й., 7-сон, 87-модда.
2. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти А.Н. Юнусхўжаев таҳрири остида I, II, III китоб. Тошкент 2001 ва 2003 йиллар.
3. Umarova Sh.Z., Xidoyatova Z.Sh., Ziyayeva M.N., Islamova M.Z., Saidova M.Ya. "Farmatsevtika ishini tashkil qilish" o'quv qo'llanmasi I-qism 254-bet Toshkent 2016-yil.

Умарова Ш.З., Пардаева М.И.

БУХОРО ВИЛОЯТИ "ДОРИ-ДАРМОН" МЧЖ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси
E-mail: umarova.shakhnoz@mail.ru

Мақсад: дорихона микроиқтисодиёт субъекти бўлиб, унинг иқтисодий фаолиятни белгилловчи ўзига хусусиятлари мавжуд. Жумладан, унинг фаолиятида тиббий, ишлаб чиқариш, маркетинг, ахборот ва савдо функциялари мужассамлашган. Шу муносабат билан, аҳолини ва даволаш профилактика муассасаларини узлуксиз дори-дармон билан таъминлашда иқтисодий таҳлил алоҳида ўрин тутди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, изланишнинг асосий мақсади, дорихоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлилининг ўтказиш ва натижалари бўйича дорихона рентабеллигини таъминловчи тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Усуллар: таҳлил учун Бухоро вилояти "Дори-дармон" МЧЖнинг ҳисобот ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда, иқтисодий таҳлил усуллари (солиштириш, аналитик қайта ишлаш, нарх индекси ва хоказо)дан фойдаланилди.

Натижалар: дорихона муассасасининг иқтисодий фаолияти товарни келиши ва сотилиши каби товар айланмасини белгиларини ифода қилади. Товар айланмаси бир-бири билан мувозанатли турадиган уч қисмдан иборат, яъни келиб тушаётган товар, сотилган ва қолдиқда қолган товар. Шу билан бир вақтда иқтисодиёт назариясига мувофиқ товар айланмаси бу олди сотди жароғи бўлиб, товарни пулга алмашишдир. Биз товар айланмасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида, савдо ҳажмини таҳлил қилдик.

